

— Сизга ёрдам бермасам, кимга бераман? — деди Раёно ўзини ҳожатбарор тутиб. — Буёғидан кўнглингиз тўқ бўлсин. Мен шу бугуноқ ер қилиришга киришаман. Пулнинг ўрнига тиллаларингиз ёки кийим-кечаклар билан ҳисоб-китоб қилишингиз мумкин.

8 бет

Нима бўлаётганини англаб етмаган ҳайдовчи эсанкираб, ўзини ушлаб турган қўллар исканжасидан чиқиб кетишга уринди. Аммо тез орада Муҳитдин сим билан қайтиб келиб, ҳайдовчининг бўғзини зич қилиб тортиб, боғлаб қўйди.

9 бет

Mustaqillik huquq demakdir

Нижош

1997-йил 27-avgustdan chiqq boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2013-йил 3-oktabr, №40 (873)



Мустақил тараққиёт йиллари мамлакатимиз ҳаётида ёрқин из қолдириди. Ўтган йигирма икки йиллик даврда амалга оширилган улкан ўзгаришлар ва тарихий муваффақиятларда ҳақилимининг юксак бунёдкорлик салоҳияти намойён бўлди. Мухтарам Президентимизнинг: "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч кимдан кам ҳам бўлмаймиз", деган даъватининг қанчалик тўғри эканлигига бугун ҳеч ким шубҳа қила олмайди. Биз танлаган мустақил тараққиёт йилининг жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилишини эса энг катта ютуғимиз сифатида баҳолаш мумкин.



Қадр-қимматим,
таянчим ва ифтихоримсан,
мустақил Ўзбекистон!

Ифтихор

Анжуман

Вазифалар белгилаб олинди

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чоралари, эришилган натижалар, истиқболдаги вазифалар" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда бугунги шароитда мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ишларида фаол иштирок этаётгани таъкидланди. Бу жараён бевосита Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да белгилаб берилган вазифаларнинг амалга оширилиши билан боғлиқдир.

Шундан келиб чиққан ҳолда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини, оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, ахборот соҳасига бозор механизмлари ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасида чора-тадбирлар кўрилмоқда. Бу жараёнда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди фаол қатнашиб келмоқда. Хусусан, фонд томонидан турли тадбирлар доирасида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Матбуот анжуманида ҳудудий журналистлар касбий салоҳияти ва маҳоратини янада ошириш, жаҳон журналистикаси амалиётида содир бўлаётган жараёнларни батафсил ўрганиш зарурлиги таъкидланди.

Таълим тизими доимий эътиборда

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан "Ўзбекистон таълим тизимини модернизациялаш — баркамол авлодни шакллантиришнинг муҳим омили" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуманда сўзга чиққанлар Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида таълим тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ўқитишни сифат ва мазмун жиҳатдан янги, янада юксак поғонага олиб чиқиш, соғлом авлодни вояга етказишдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётганини таъкидлади. Юксак самаралари жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилган ислохотлар жараёнида ўқитувчилар меҳнатини ҳар томонлама қадрлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимиздаги 1500 дан ортиқ касб-ҳунар коллежи ва академик лицейда 117 минг 620 нафардан зиёд педагог ходим, умумтаълим фанлари ўқитувчиси, махсус фан ўқитувчиси, ишлаб чиқариш таълими устаси меҳнат қилмоқда. Ўқувчиларнинг касбга бўлган қизиқиши ва интилишларини тўғри йўналтириш борасида олиб борилган кенг қўламли ишлар натижасида 2013 йилда умумтаълим мактаблари 9-синфини тамомлаган 533 минг 658 нафар ўқувчи академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида тўлиқ камраб олинishiга эришилди.

Матбуот анжуманида журналистларнинг саволларига атофлича жавоб қайтарилди.

Ўз муҳбири

Эзгу мақсадлар йўлида

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да белгилаб берилган вазифаларнинг амалга оширилишини таъминлашда қонунлар ижроси устидан назорат олиб борувчи прокуратура органлари алоҳида ўрин тутмоқда. Прокуратура органлари ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун, фармон ва қарорлар ижроси устидан мунтазам назорат олиб бориб, қонун устуворлигини таъминлаб келмоқдалар.

Ҳозирги куннинг долзарб масалалари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ўтказилган текширишлар натижалари, ижро интизомини, суд-тергов амалиёти, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш муаммолари, фуқароларнинг муносабатларини қонун талаблари асосида ҳал қилишни таъминлаш вилоят прокуратураси органларининг асосий вазифаларидандир. Бу борадаги қонунларнинг ижроси устидан ўтказилган текширишлар натижасига кўра, 861 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. 196 нафар шахс интизомий, 215 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди. Ўтказилган моддий зарарнинг 557 млн. сўми айбдор шахслардан ахтирбий тарзда

ундирилиб, 1 млрд. 848 млн. сўмлик зарарни ундириш юзасидан судларга 253 та даъво аризаси киритилди. Назорат тадбирлари давомида 6869 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланиши таъминланди, жиддий қонунбузилиши ҳолатлари бўйича 41 та жиноят иши қўзғатилди.

Фуқаролик жамияти барпо этишнинг асосий шартларидан бири бўлган кучли ижтимоий ҳимоя тамойилига давлатимизда қатъий амал қилиб келинмоқда. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган қонунчилик ижроси ҳам прокуратуранинг доимий эътиборида бўлиб, ҳар қандай қонунбузарлик ҳолатлари прокурор назорати ҳужжатларини қўллаш орқали бартараф этиляпти. Жумладан, назорат тадбирлари давомида айрим масъул идоралар фаолиятидаги қонунбузилиши ҳолатларига тўлиқ барҳам берилмаганлиги аниқланиб, тегишли ҳуқуқий таъсир чоралари кўрилди. Хусусан, Кармана туманидаги "Дўрмон" маҳалла фуқаролар йиғини мансабдор шахслари кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган меъёрий ҳужжатлар талабларини бузган ҳолда 8 нафар фуқарога 7 млн. 895 минг сўмлик нафақа пулларини тўлаб, бюджет маблағларини талон-торож қилганлар. Маҳалла фуқаролар йиғини мансабдор

шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Навий шахридаги "Ҳончарбоғ" маҳалла фуқаролар йиғини мансабдор шахслари ҳам қонунга зид хатти-ҳаракатлари туфайли эл назаридан қолишди. Фуқароларга жами 4 млн. 633 минг сўм нафақа ва моддий ёрдам пуллари тайинлаб, бюджет маблағларини талон-торож қилган бу мансабдорларга ҳам суд ҳукми билан тегишли жазо тайинланди.

Кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш вилоят прокуратурасининг доимий диққат марказида бўлиб, бу борада ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, болаликдан 2-гuruh ногирони, вояга етмаган Н.Қосимовага 2012 йилнинг декабрь, 2013 йилнинг январь-февраль ойлари учун 648 минг сўмлик ногиронлик нафақа пуллари шахар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси гуруҳи раҳбари Б.Жўраевнинг масъулиятсизлиги оқибатида тўлаб берилмаганлиги аниқланиб, Зарафшон шахар прокуратурасининг аראлашуви билан Н.Қосимовага нафақа пулларининг ундириб берилиши таъминланди, қонунбузилишига йўл қўйган гуруҳ раҳбари интизомий жазога тортилди.

/Давоми 4-бетда/

Фуқаролар муносабатлари — қонун ҳимоясида

Ҳар бир фуқаро бирор-бир масала юзасидан муносабат қилар экан, демак, бунинг учун у ёки бу сабаб туртки бўлади. Зеро, бундай муносабатлар замирида инсон ва жамият манфаатлари ётади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасига: "Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки ҳалқ вакилларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан муносабат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, тақлифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шартлиги мустақамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг муносабатлари тўғрисида"ги (янги таҳрири) ва 1995 йил 30 августда қабул қилинган "Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"ги Қонунларида фуқароларнинг ҳуқуқий соҳалардаги муносабатларининг асосий қоидалари, кўриб чиқиш тартиби, муддати ва ҳал этиш принциплари белгиланган бўлиб, қонунга мувофиқ, фуқароларнинг муносабатлари мазмунига кўра тақлиф, ариза ва шикоят шаклида бўлади.

Этиборли ва муҳим жиҳати шундаки, фуқароларнинг муносабатлари, албатта, қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши кераклиги ҳам қонуннинг қатъий талаби ҳисобланади. Шунингдек, қонунда фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Исломобод маҳалласида

яшовчи, 2 нафар вояга етмаган фарзанди бор ёлғиз она, фуқаро Гузало Қосимова жорий йилнинг июль ойида фарзандларини мактабга таълим муассасасига жойлаштиришда амалий ёрдам сўраб, шаҳар ҳалқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига муносабат қилганда бўлим методисти Р.Тошматова унинг муносабатига лоқайдлик билан қараб, гарчи унинг оливи шариоати оғир бўлса-да, қонуний ёрдам кўрсатмаган. Шундан кейин Г.Қосимова амалий ёрдам сўраб, шаҳар прокуратурасига муносабат қилган.

Прокуратура томонидан унинг муносабати ўрганилиб, қаноатлантирилди. Р.Тошматова эса интизомий жавобгарликка тортилди. Г.Қосимованинг фарзандлари шаҳардаги 24-сонли мактабга таълим муассасасига жойлаштирилди.

Соғлигини тиклаш учун амалий ёрдам сўраган Соҳибхон Норматованинг аризаси ўрганилганда, тиббий-ижтимоий реабилитация хулосасига кўра, 3-групп нотиғони бўлган фуқаро ҳақиқатан ҳам соғлигини тиклашга муҳтожлиги аниқлан-

ди. Ариза бўйича тўпланган ҳужжатлар "Майдон бозор" маҳалла фуқаролар йиғинининг моддий ёрдам тайинлаш комиссияси томонидан кўриб чиқилиб, жорий йилнинг сентябрь ойидан эътиборан С.Норматовага моддий ёрдам пули бериб бориш ҳақида қарор қабул қилинди.

Юқорида қайд этилган қонун талабларига давлат органларида қай даражада амал қилинаётганлиги прокуратура органлари томонидан мунтазам равишда ўрганиб боришмоқда. Шуниси афсусланарлики, ҳоқимликда муносабатларни кўриб чиқишнинг қонунда белгиланган муддатларини бузиш одатий ҳолга айланиб қолган. Хусусан, архитектура ва қурилиш бошқармаси ходимлари фуқароларнинг муносабатларига лоқайдлик билан қараган. Жумладан, бошқарма мутахассиси Ж.Каримовга чиқарилган фуқаро С.Тургунов, Н.Джабаров, Б.Тўлиев ва Н.Абдурахмоновларнинг қурилишга ва қайта қуришга, бинони у қаватли қилиб қуришга рўхсат бериш ҳақидаги аризалари бир ойдан ортиқ вақт мобайнида кўриб чиқилмаган, муаллифларга жавоб хатлари юборилмаган. Бошқарма ходими Г.Сиддиқов эса ўзига топширилган фуқаро А.Зулуновнинг кўргазма зали қуришга рўхсат сўраб ёзган аризасига 2 ой мобайнида ҳам ёзма равишда жавоб бермаган. Бундан ташқари, бошқарма ходимлари И.Нахмидинов ва Д.Отақуловга икки эътиш учун чиқарилган аризалар икки-икки ярим ой мобайнида ўрганилма-

ган, жавоб хатлари жўнатилмаган.

Ер майдони ажратиб бериш, қурилиш қилишга рўхсат беришни сўраб муносабат қилган вилот ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, "Анд-Наврўз" МЧЖ, "Хамро транс барака" МЧЖ, "Анд-стар", "Фарм стандарт люкс" корхоналари, "Водий садоси" ёшлар телерадиокомпанияси, Маданият ва спорт ишлари бошқармаси, тери-таносил касалликлари диспансери раҳбариятлари хатлари ҳам қонунда белгиланган бир ойдан иборат муддатда кўриб чиқилмаган ва ҳал этилмаган.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Андижон шаҳар бўлимида ҳам аризаларнинг бўлим ходимлари томонидан кўриб чиқилиши ва ҳал этилишида қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилган. Фуқаро М.Джуревнинг нафақа пулидан коммунал тўловларга чегириб қолишни тартибга солишни, О.Маматқазининг пенсия пулини почта алоқа бўлимидан банк пластик картчасига ўтказиб беришни, А.Кимсанова, М.Қодиров, И.Мухторова, А.Алимаджоновларнинг пенсия тайинлашни сўраб ёзган аризалари рўйхатга олинмаган, икки эътиш учун ходимларга топширилмаган. Бундан ташқари, 7 нафар фуқаронинг бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақа сўраб ёзган аризалари рўйхатга олинмаган ва ижрога қаратилмаган.

Ушбу қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш учун

Азизбек МАМАТХОДЖАЕВ,
Андижон шаҳар прокурори

тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Шаҳар ҳокимлигининг архитектура ва қурилиш бошқармаси, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Андижон шаҳар бўлимининг фуқароларнинг муносабатларига лоқайдлик ва масъулиятсизлик билан қараган ходимлари маъмурий ва интизомий жавобгарликка тортилди.

"Фуқароларнинг муносабатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларини билиш, уни тўғри қўллаш нафақат давлат органлари ёки мансабдор шахслар, балки ҳар бир фуқаро учун фойда зарурдир. Қонун фуқароларга давлат органлари ва муассасаларига ариза ёки шикоят билан муносабат этиш орқали ўзларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат органлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган тақлифлари билан эса ўз муносабатларини билдириш имконини яратди.

Шаҳар прокуратураси томонидан юртимизда олиб борилаётган барча ислохотлар марказида инсон, унинг қонуний манфаатларини таъминлаш, фуқароларнинг турмушини янада обод қилиш масаласи турганлигини инобатга олган ҳолда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб борилади.

Данғарали М.Маиёров ўз жамғармаси ҳисобига уйи олдига савдо дўкони қуришга қўри-ю, аммо ишга туширишга имконият топа олмагач, бирорта тадбиркорга ижарага беришни мақсад қилди. Кўп ўтмай дўконга талабгор чиқди. Узини қўқонлик, деб таништирган Ислам Холиқов билан ойига 50 минг сўмдан ижара ҳақи олишга келишди.

Ташвиш келтирган иш

Камол ЮДАШЕВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг Фарғона вилот бошқармаси матбуот гуруҳи катта инспектори

И.Холиқовнинг мақсади бу дўконда алкоғолли ичимликлар савдосини йўлга қўйиш бўлса-да, у бундай ичимликлар сотиш учун рўхсатнома олмаганди. Бироқ, буни дўкон эгасига билдиришни истамасди. Чунки, унинг ноқонуний иш қилмоқчилигини М.Маиёров билиб қолса, шундоқ жойга эга бўлиши амри маҳол эди-да.

Эртаси кунёқ дўкон ишга туширилиб, Кўкон шаҳар улгўржи бозоридан сотиб олинган турли алкоғолли ичимликлар савдога қўйилди. Сотувчиларни И.Холиқовнинг таниши Азизжон Дадажонов амалга ошира бошлади. Дўкондаги савдо ишлари юришиб, алкоғолли ичимликлар жараж-жараж пулга айлана бошлади...

Бош прокуратура хузуридаги департаментнинг Данғара туман бўлими ҳамда бошқа ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлар ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбир чоғида И.Холиқов ва А.Дадажоновларнинг ноқонуний қилишлари фож бўлди. Дўкондан 21 турдаги 245 ишча спиртли ичимликлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган, нархи 3 млн. 259 минг 500 сўмлик бўлган бу спиртли ичимликлар Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги алкоғолли махсулотлар сифати бўйича Давлат инспекцияси томонидан текширилиб, таҳлил қилиб қўрилди ва спиртли ичимликлар стандарт талабларига мувофиқ, лекин маркировкада ишлаб чиқарилган санаси аниқ белгиланмаганлиги сабабли истеъмол учун яроқсиз, деб топилди.

Тадбиркорлик нуқотида остида савдо ва солиққа оид қонунбузарлик ҳолатларини содир этган И.Холиқов ва А.Дадажоновлар қилишлари учун жавоб беришди. Суд ҳукми билан уларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда жазо тайинланди.

Қонунийликни таъминлаш — фаровонлик сари қадам

Маълумки, буюк келажак сари олинмаб бораётган юртимизда ёшлар камоли, вояга етмаганлар ҳаёти ва таълим-тарбияси, уларнинг манфаатларини муҳофаза қилиш ва ғамхўрлик кўрсатиш асосий эътиборда. Ва масала тобора устувор аҳамият касб этаётган экан, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари муҳофазасига оид қонунчилик ижросига масъулият билан ёнаш иш ҳар биримизнинг вазифамиздир.

Б у борада Наманган шаҳар прокуратураси томонидан ўтказилган 14 та текшириш натижасига кўра, 147 та прокурорлик назорати ҳужжатлари қўлланилди. Хусусан, судларга 4 та даъво аризаси, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 22 та тақдирнома киритилиб, қонунга зид бўлган ҳужжатларга нисбатан 8 та протест келтирилди. 113 нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. Шунингдек, жиноят ишлари ҳам қўзғатилди. Масалан, Наманган саноат касб-ҳунар коллежи ўқувчиси А.Раҳимов 2011 йил сентябрь ойидан буён дарс машғулотларига қатнашмаган коллеж талабаси Х.Ҳошимов ҳамда 2012 йилнинг февралда Россия Федерациясига кетган А.Лутфуллаевнинг дарсларга қатнашмаганлиги ва билимлари баҳоланганлиги ҳақида ўқув машғулотлари журналга сохта маълумотлар киритиб, уларни курсдан курсга қўчирган.

Ушбу ҳолат юзасидан А.Раҳимовга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, иш бўйича жазо муқаррарлиги таъминланди.

Юртбошимиз томонидан ўғил-қизларимизнинг эртанги кунига алоҳида эътибор қаратилаётган бир вақтда, айрим таълим муассасалари мансабдор шахсларининг мансаб мавқеини суистеъмол қилиб, таълим соҳасини ривожлантириш учун ажратилаётган бюджет маблағларини талон-торож этишга йўл қўйётганликлари ачинарилди. Улар томонидан шаҳардаги бир қатор мактаб, касб-ҳунар коллежларида ўқитувчиларга ўтилмаган дарс соати ва педагогик юктамалар учун асоссиз ҳақ тўлаш ҳолатларига йўл қўйилган.

Рустамжон УМАТАЛИЕВ,
Наманган шаҳар прокурори

Қайд этиш жоизки, шаҳар ҳудудидаги касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини уч томонлама шартнома асосида ишга жойлаштириш масаласи шаҳар прокуратурасининг алоҳида эътиборида бўлиб, ходимларимиз томонидан ушбу шартномаларнинг қонунийлиги ўрганилмоқда ҳамда битирувчиларни ишга жойлаштириш чоралари қўрилмоқда. Бироқ, ёшлар камолоти йўлида етарли шарт-шароитлар яратилган бир пайтда ўқувчиларнинг ўқишга келмаслиги ёки ота-оналарнинг фарзандининг тахсил олишига тўсқинлик қилиши ҳолатлари ҳам учрамоқда. Хусусан, ўтказилган текширишлар давомида ўрта мактабларнинг 273 нафар ўқувчиси дарс машғулотларига узрли сабабларсиз қатнашмаганлиги аниқланди. Шунингдек, шаҳар ҳудудидаги коллеж ва лицейларнинг 28 нафар ўқувчиси мажбурий таълим олиш ўрнига турли сабабларга кўра чет давлатларга кетиб қолганлигини қандай изоҳлаш мумкин?

Битирувчиларни иш билан таъминлаш борасидаги сай-ҳаракатлар ҳам талаб даражасида эмас. Шаҳар прокуратураси томонидан ўтказилган текширишда 9372 нафар битирувчилардан 315 нафари билан ўз вақтида уч томонлама шартномалар тузилмаганлиги, 620 та ҳолатда эса шартномалар белгиланган тартибга зид тарзда тузилганлиги аниқланди. Ҳозирги кунда 9040 нафар битирувчилардан 5827 нафари ёки 62,17 фоизининг ишга кирганлиги бу борадаги ишлар етарли ташкил этилмаганлигидан далolat беради.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатларни бартараф этиш, келгусида уларнинг олдини олиш, қонунчиликни мустақамлаш ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги масалаларга дахлдор мутасаддилар зарур чора-тадбирлар белгилаб, тегишли хулоса чиқаришди, деган умиддамиз. Зеро, қарда қонунийлик таъминланса, ўша ерда хотиржамлик, фаровонлик ва албатта, юксалиш бўлади. Бунга эришиш эса барчамизга боғлиқдир.

Тараққиёт омили

Қишлоқ ҳўжалигидаги ислохотлар жараёнида ташкил қилинган ерга, меҳнати-нинг маҳсулига эгалик ҳуқуқини тасарруф этаётган фермер ҳўжаликлари деҳқонлари астойдил ишлаб, юқори натижаларга эришяпти.

Тумандаги аксарият фермер ҳўжаликларининг тажрибали деҳқонлари йил сайин мўл ҳосил етиштириб, дон ва пахта етказиб бериш борасидаги контрактация шартномаларини адо этишмоқда. Мева, узум, सबзавот ва полиз маҳсулотлари етиштиришни қўлай-тиришмоқда. Олаётган даромадларини тупроқ унумдорлиги, экинлар ҳосилдорлигини ошириш, қишлоқ ҳўжалиги техникаси воситаларини харид қилиш билан бирга, яшаб турган қишлоқларини ободонлаштириш, турмуш шароитларини яхшилашга сарфлашмоқда. Ҳомашини қайта ишловчи, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар ташкил этиб, янги иш ўринларини яратиб беришмоқда.

Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг ижросини таъминлаш борасида эъти-

борга молик ишлар амалга оширилди. Янгидан ташкил этилган Фермерлар кенгаши-нинг тўлақонли фаолият юртиши у-ун зарур шарт-шароитлар яратилди. Туман ҳўқимли-ги томонидан алоҳида Дастур ишлаб чиқилди. 36 та лойиҳадан иборат Дастурни амалга ошириш жараёнида 2 млрд. 687,2 млн. сўм сарфланиб, 85 та иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган. Лойиҳалар-нинг 21 тасида озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш, 10 тасида сервис ва хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш, 5 тасида тоқзорлар ва интенсив боғлар ташкил этиш режалаш-тирилган.

Туман прокуратурасининг амалий ёрдами билан 5 та лойиҳа бўйича янги тоқзор-лар ва интенсив боғлар, 7 та лойиҳа бўйича иссиқхоналар ташкил этилди. "Шифо" фер-мер ҳўжалигига иссиқхона ташкил этиш учун ОАТБ "Агробанк"нинг туман фили-алидан кредит ахратилди. Дастурда кўзда тутилган бошқа лойиҳалар ҳам бирин-кетин амалга оширилмоқда. Янги иш ўринлари яратилиб, ту-мандида 2 та қишлоқ ҳўжали-ги йўналишидаги коллежлар

битирувчилари касб-корларига мос иш жойларида меҳнат фаоли-ятларини бошлашмоқда. Прокура-тура кўмағида 2 нафар битирувчи-нинг фермер ҳўжалиги ташкил этиш борасидаги орзу ва инти-лишлари рўёбга чиқди. Ёш мута-хассислар раҳбарлигидаги янги фермер ҳўжаликларининг пахта ва галла етиштириш йўналишидаги фаолиятлари йўлга қўйилди.

Туман прокуратураси томони-дан қишлоқ ҳўжалигига оид қонун ва қонуности ҳўжатларининг ижроси, суғориладиган экин май-донларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, уруғлик, минерал ўғит, техника таъминотидаги узил-лишларнинг олдини олиб, юқори етиштириш омили бўлган агротехника тадбирлари ўз вақ-тида ва сифатли ўтказилишини таъминлаш, фермер ҳўжаликларининг ҳўқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида доимий иш олиб боришмоқда. Жумладан, йил бошидан буён фермер ҳўжа-ликларига 171 гектар ер майдо-ни, 4 млн. сўм кредит ахратилди, 2 млн. сўмлик эҳтиёт қисмлар, 14 тонна минерал ўғит, 12 тонна нефть маҳсулотлари, 130 тонна чигит етказиб берилишида амалий ёрдам кўрсатилди.

Суғориладиган экин майдонла-ридан оқилана ва самарали фой-

Дилмурод САЙФИДДИНОВ,
Тошлоқ туман прокурори
ёрдамчиси

даланиш ва уларнинг муҳофаза-сига оид қонун талабларига риоя қилиш, ММТПларда техника во-ситаларидан унумли фойдала-ниш ва фермер ҳўжаликларига сифатли хизмат кўрсатиш, меҳ-нат шартномаларида кўзда тутил-ган мажбуриятларни адо этиш жараёнидаги ўрганишмоқда. Таҳ-лилларда аниқланган, Меҳнат ко-дексининг иш берувчи ўзининг молиявий аҳволидан қатъи на-зар ҳодимга бажарган иш ун-ҳақни жамоа шартномаси ёки бошқа норматив ҳўжатда бел-гиланган тартибда камида ўн беш кунда бир марта тўлаб бериши шартлиги ҳақидаги қонун талаб-лари бузилган ҳолатларга нисба-тан тегишли чоралар қўрилмоқ-да. Ҳодимларнинг бузилган ҳўқуқлари тикланмоқда. Хусусан, "Оқ олтин саховат сервис" муқо-бил МТПда 8 нафар ҳодимга ўтган йилнинг охири ва шу йилнинг тўрт ойи мобайнида жами 6 млн. 570 минг сўм миқдорда иш ҳа-қлари тўланган. Худди шу-нингдек, "Навбахор-Ф Замина-сервис", "Садада Қайрағоч", "Араббой Тўхтабўй", "Тошлоқ

қалби" ММТПларнинг раҳбарла-ри ҳам ишчи-ҳодимларга бир неча ой мобайнида иш ҳақлари-ни тўламай қелишган. Вилот прокуратураси орқали судга даъво аризалари киритилиб, тўланмаган иш ҳақлари ундириб берилди. Бунга йўл қўйган ман-сабдор шахслар маъмурий жа-вобгарликка тортилди.

Қишлоқ ҳўжалигига оид қонун ва қонуности ҳўжатла-ри ижросини таъминлаш, фер-мер ҳўжаликларининг ҳўқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишлар қўзғалган самарани бер-моқда. Пировард натижада, им-кон қадар кўпроқ даромад олишдан бевоқиф манфаатдор фермер ҳўжаликларида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ҳажми муттасил равишда қўлай-моқда.

Айни чоғда пахта йигим-те-римига пухта тайёргарлик қўрилган ҳолда киришилди. Ту-ман прокуратураси томонидан йигим-теримга тайёргарлик жа-раёнида, теримчиларга яратил-ган шарт-шароитларни ўрганиш мобайнида аниқланган камчи-ликлар бартараф этилди. Фер-мер ҳўжаликларининг деҳқонла-ри бу йил ҳам контрактация шартномаларини тўқис адо этиш, уларда кўзда тутилган 18565 тонна сифатли ҳомашё-ни йигиб-териб, етказиб бе-риш мақсадида енг шимариб ишлашяпти.

Аҳоли бандлиги — фаровонлик гарови

Аҳоли даромадлари ва фаровонлиги даража-сини янада оширишнинг муҳим омили сифа-тида унинг бандлигини таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, меҳнат бозори инф-ратузилмасини янада ривожлантириш, аҳоли-ни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини мустаҳ-камлаш масалаларини ҳал этишда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органла-ри ишнинг жонлантириш ва жавобгарлигини ошириш масалалари бутунги куннинг долзарб вазифаларида бири ҳисобланади.

Жиззах вилот прокуратураси орган-лари томонидан меҳнат билан банд бўлмаган фуқароларни аниқлаш, ҳисобга олиш ва уларни иш билан таъминлаш ҳамда шу йўл билан жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашишда ўзаро ҳамкорли-ни кучайтириш борасидаги тадбирлар режаси ижроси юзасидан бир қатор ишлар амалга оши-рилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2012 йил 5 декаб-ридаги Қарори билан тасдиқланган 2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъ-минлаш Дастурига асосан аҳолини иш билан таъ-минлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилиш мақсадида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш кўрсаткичларига асосан вилот Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилган.

Ушбу дастурлар бўйича жорий йилнинг январь-август ойларида жами 29 минг 912 та янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилган бўлиб, амалда 30 минг 666 та янги иш ўринлари яратилди ва дастур ижроси 102,5 фоизга бажарилди.

Жорий йилнинг шу даврига қадар вилотда 41 марта меҳнат ярмаркалари ташкил этилиб, улар-да 2236 та корхона ва ташкилотлар 7120 та бўш иш ўринлари билан иштирок этишди. Ярмаркага жами 4119 нафар фуқаро жалб қилиниб, шундан 2702 нафарига ишга жойлаштириш бўйича йўллан-малар берилди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами учун жорий йилнинг ўтган даври мобайнида туман-ша-хар ҳўқимларининг қарорларига асосан вилотда бўйича 1029 та корхона ва ташкилотларда 3416 та иш ўринлари қавталанган бўлиб, ушбу иш ўрин-ларига 1584 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди.

Маъмурий йўналишда ўтказилган назорат тадбир-ларида айрим қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилаётганлиги ҳам аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича прокурор назорати ҳўжатла-ри қўлланилмоқда. Жумладан, Баҳмал туман бандлиқа кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий му-

Уллубек РАҲБАЕВ,
Жиззах вилот прокуратураси
бўлим бошлиғи вазифасини бажарувчи

ҳофаза қилиш марказининг ҳисоботида "Бах-мал Хавза" хўсусий корхонасида 6 та, "Бах-мал Нигораси", "Нигинабону Хўшидабону" хўсусий фирмалари ҳамда "Молгузар Чорва-дори" хўсусий корхонасида 5 тадан, "Сирож ОИЛ" ва "Қатортол Гузари" хўсусий фирмаларида 4 тадан иш ўринлари яратилганлиги кўрсатилган бўлса-да, амалда ҳеч қандай иш қилинмаган.

Ғаллаорол туман бандлиқа кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази-нинг ҳисоботида эса "Модерн Шоес" МЧЖда 5 та иш ўрни яратилганлиги кўрсатилган. Маз-кур корхона томонидан туман статистика бўли-мига топширилган ҳисоботида 1 та иш ўрни яра-тилганлиги кўрсатилиб, туман бандлиқа кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан ҳисоботларга 4 та иш ўрни қўйиб ёзилган. Шу каби "Ўсмаат фари" шўъба корхонасида 5 та ва "Бегзодбек Шерзодбек" хўсусий корхонасида 6 та, "За-мин насли чорва" хўсусий корхонасида 6 та ва "Қўқбулоқ элита чорва" хўсусий корхона-сида 6 та, "Юлдуз тикув сервис" хўсусий кор-хонаси билан қасаначилик тўғрисида шартно-малар тузилмаган бўлса-да, туман бандлиқа кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказининг ҳисоботида мазкур корхо-нада 12 та қасаначилик иш ўринлари яратил-ганлиги тўғрисида ҳисоботларга қўйиб ёзил-ган.

Туман прокуратуралари томонидан банд-лиқа кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий му-ҳофаза қилиш марказига қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш тўғрисида тақ-димнома киритилди.

Вилот прокуратураси органлари томони-дан ўтган давр мобайнида меҳнат ва бандлик йўналишида ўтказилган 18 та текширишда аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш тўғрисида ваколатли идораларга 18 та тақдимнома киритилди. Қабул қилинган 17 та ғайриқонуний қарорларга протестлар келти-рилди. 21 нафар шахс қонунбузилишига йўл қўймадик ҳақида огоҳлантирилиб, 185 нафа-ри интизомий ва маъмурий жавобгарликка тор-тилди. 153 млн. сўм зарарни ундириш бўйича фуқаролик ишлари бўйича судларга 449 та даъво аризаси киритилиб, жиддий қонунбу-зилиш ҳолатлари юзасидан 1 та жиноят иши қўзғатилди. Текширишлар давомида 424 на-фар фуқаронинг ҳўқуқлари тикланди.

Сурхондарё вилот ҳўқимлиги ҳўзуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вило-ята Ўзбекистон Республикасининг "Викоаюн эркинлиги тўғри-сида"ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 26 мартаги "Ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлашти-риш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси бўйича ўтказилган текшириш натижалари муҳокама қилини.

Маънавий-ахлоқий тарбияни кучайтириш йўлида

Алишер ҚОРАЕВ,
Сурхондарё вилот прокурорининг катта ёрдамчиси

Йиғилишда таъкидланганидек, мамлакатда барқамол ав-лодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ком-плекс дастурлар доирасида вояга етмаганларнинг маъ-навий-ахлоқий тарбиясини кучайтириш, улар ўртасида диний эк-стремизм ва ақидапарастликнинг олдини олиш борасида мақсад-ли тадбирлар ўтказиб боришмоқда. Ёшларни ватанпарварлик ру-ҳида тарбиялаш, уларнинг ҳўқуқий онги ва маданиятини юксал-тириш мақсадида вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар томонидан таълим муассасалари, прокуратура, адлия, ички иш-лар органлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, фуқаро-ларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа жамоат таш-килотлари билан ҳамкорликда 5 мингдан зиёд ҳўқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилган. Таълим муассасаларида илғор педаго-гик технологиялар асосида ўқитилаётган "Одобнома", "Ватан туй-ғуси", "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари", "Дунё динлари тарихи", "Диншунослик", "Диний экстремизм ва тер-роризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари" каби форум ва маҳсуус курслар ёшлар ўртасида сохта диний ғоялар ҳамда ақидапарастликка қарши мустаҳкам тафаккурни шакллан-тиришда ўзининг самарасини бермоқда.

Шу билан бирга, айрим таълим муассасаларида таълим-тар-бия ишлари тўғрисида ташкил этилган, ўқувчилар мавзуга оид дарсликлар, ўқув-усулбий қўлланмалар, буклетлар ҳамда кўргаз-мали плакатлар билан етарли даражада таъминлангани, иж-тимоий-гуманитар фанлар бўйича ўқувчиларни қайта тайёр-лаш ва малакасини ошириш борасидаги ишларни ташкил этиш-даги нуқсонлар танқид қилинди.

Йиғилишда мутасадди идоралар томонидан вояга етмаган-лар ўртасида маънавий тарбияни кучайтириш, диний экстрем-изм ва ақидапарастликнинг олдини олиш билан боғлиқ дол-зарб муаммоларни ҳал қилиш, йўл қўйилаётган қонунбузили-ш ҳолатларини бартараф этиш ва ушбу масалада масъул идо-ралар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ўзаро ҳамкорли-ни мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилиниб, ижросини таъминлаш учун мутасадди идоралар ва жойларга юборилди.

Эзгу мақсадлар йўлида

(Давоми.
Бошланиши 1-бетда)

Таъкидлаш жоизки, аҳоли бандлигини таъминлаш оилалар фаровонлигини оширишнинг, қоларестда, жиноятчиликнинг олдини олишнинг муҳим омилларидан бири сифатида эътироф этилади. Шу боис, бу вазифа давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, ушбу йўналишда ўтказилаётган назорат тадбирлари ўз самарасини берапти. Меҳнат ва бандлик тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан ҳам доимий назорат ўрнатилиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича тегишли чоралар қўрилмоқда. Чунонинг, вилоят меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳофаза қилиш органларига иш сўраб мурожаат этган 6219 нафар фуқаронинг 5124 нафари ишга жойлаштирилди, 203 нафари қайта касбга ўқишга юборилди, 363 нафари эса жамоат ишларига жалб қилинди. Шунингдек, вилоят прокуратурасининг таъаббуси билан туман ва шаҳарларда 18 марта меҳнат армаркалари ўтказилиб, натижасига кўра 1234 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди.

Мазкур йўналишда ўтказилган назорат тадбирлари натижасида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 6 та тақдимнома киритилиб, ноқонуний ҳужжатларга 4 та протест келтирилди. 7 нафар шахсга интизомий, 16 нафарига нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида ишлар кўзга тилиб, 8 млн. 837 минг сўмлик зарарлар ихтиёрий ундирилди. Судларга 333 млн. 980 минг сўмлик зарарларни ундириш ҳақида 182 та даъво аризаси киритилиб, 4 та ҳолатда жиноят иши кўзга тилибди. Назорат тадбирлари давомида иш ўринлари яратилган масъул бўлган корхона ва ташкилотлар томонидан ҳисоботларга қўшиб ёзиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги ҳам аниқланиб, тегишли чоралар қўрилди. Хусусан, Зарафшон шаҳар бандликка қўмаклашиш ва аҳолини иқтисодий муҳофаза қилиш маркази ҳисоботларида шахардаги "Дил Зарафшон" хусусий корхонасида 6 та, "Зарафшон Рустамбек" хусусий корхонасида 15 та, "Моҳитабон Зарафшон" МЧЖда 40 та, "Техсервис газ Зарафшон" МЧЖда 3 та, "Шаҳзод Зарафшон" ва "Шохрух Алмаз" хусусий корхоналарида 5 тадан, "Строй Инвест Зарафшон" хусусий корхонасида 20 та, "Рухона Зарафшон" хусусий корхонасида 11 та, "Саркор" МЧЖда 4 та, "Қаҳнос Зарафшон" хусусий корхонасида 2 та, "Дилнур Зарафшон" хусусий корхонасида 4 та ҳақиқатда яратилмаган касаначилик иш ўринлари акс эттирилганлиги фош этилиб ва шахар прокуратураси томонидан марказ директори Н.Мамадиёровга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш кўзга тилибди.

Инсон ҳалол меҳнат қилар экан, албатта, бунга яраша моддий манфаатдор бўлишга ҳақли. Бу унинг қонун билан қафолатланган ҳуқуқидир. Шу муҳим жиҳатлар эътиборга олинган ҳолда иш ҳақининг ўз вақтида тўланишини таъминлаш учун зарур бўлган барча имкониятлар ишга солинаяпти, вазириллар, идоралар ва ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жа-

вобгарлиги оширилаяпти. Вазирлар Маҳкамасининг бу соҳага доир қарорлари ижроси юзасидан ўтказилган назорат тадбирларида айрим қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди. Жумладан, Зарафшон шаҳридаги "Мурунтау" уй-жой коммунал хизматлар бўлими ишчи-хотимлари меҳнатларига яраша маош ололмай, ишдан қўнгиллари совуғанида бўлим мутасаддилари бу ҳолдан мутлақо ташвишланмадилар. Бундай ҳолатда прокуратура уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга киришди. Текширишда 2012 йилнинг октябрь-ноябрь ойлари учун 11 млн. 862 минг сўмлик иш ҳақлари тўланмаганлиги аниқланган, Зарафшон шаҳар прокуратураси томонидан фуқаролик ишлари бўйича Зарафшон туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Ишчи-хотимларнинг ҳуқуқлари тикланиб, уй-жой коммунал хизматлар бўлими бошлиғи Ж.Раджабов маъмурий жарима жазосига тортилди.

Соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонунчилик ижросини таъминлаш бўйича ҳам бир қатор назорат тадбирлари олиб бо-


бузарликларни бартараф этиш долзарб масалага айланди. Айтиш жоизки, ҳўкуматимиз томонидан халқ ҳўжалигида ўзаро ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш, тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш юзасидан чора-тадбирлар мунтазам равишда амалга оширилмоқда. Лекин шунга қарамадан, вилоятдаги корхона ва ташкилотларнинг жами дебитор қарздорлиги жорий йилнинг 1 июль ҳолатига 1 трл. 100 млрд. 392 млн. сўмни, жами кредитор қарздорлик эса 1 трл. 702 млрд. 338 млн. сўмни ташкил қилган. Хусусан, Навоий шаҳрида фаолият кўрсатаётган "Богдорчи-Хосил" МЧЖ мансабдорлари НКМК бирлашган энергия хизматидан қабул қилиб олинган ичимлик ва ирригация сувидан оқилана фойдаланмасдан ва сув ўлчаш асбобларининг узлуксиз соз ҳолатда бўлишини таъминлаш чораларини кўрмасдан келганлиги оқибатида 114 млн. 785,9 минг сўмлик қарз юзага келган. Афсуски, МЧЖнинг мансабдорлари мазкур қарздорлиқни

қишлоқларида барпо этилган бундай уйлارнинг соҳибига айланган оилалар ҳўвли тўйларини ўтказмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ жойларда уй-жой қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2009 йил 3 августдаги Қарори ижроси устидан ҳам қатъий прокурорлик назорати ўрнатилиб, вилоятда бу борада амалга оширилаётган ишлар аҳоли мунтазам ўрганилиб борилмоқда. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, вилоятда намунавий уй-жойлар қурилиши учун 2009 йилда 13 гектар, 2010 йилда 62,97 гектар, 2011 йилда 72,8 гектар, 2012 йилда 57,5 гектар ер майдонлари ажратилган. 2009 йилда 3 та массивда 3 млрд. 709,1 млн. сўмлик 60 та, 2010 йилда 3 та массивда 25 млрд. 404,3 млн. сўмлик 410 та, 2011 йилда 30 та массивда 63 млрд. 126,7 млн. сўмлик 490 та, 2012 йилда 20 та массивда 53 млрд. 934,5 млн. сўмлик 500 та намунавий уй-жойлар тўлиқ қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилди. Жорий йилда вилоятнинг 20 та массивида жами

Алишер ОЧИЛОВ,
Навоий вилоят прокурори

Халқимизнинг энг катта бойлиги — бу тинчлик ва осойиштиликнинг таъминланганлигидир. Зеро, тинчлик бўлган жойдагина тараққиёт бўлади, инсонлар эмин-эркин ва хотиржам ҳаёт кечирадилар. Бу масала ҳам прокуратура органларининг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Фуқароларнинг ҳавфсизлиги ва тинчлигини таъминлаш мақсадида ҳўқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар ҳамда кенг жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорликда жиноятчиликка, айниқса, унинг оғир ва ўта оғир турларига қарши курашишга жиддий эътибор қаратилаяпти. Вилоятда умумий жиноятчилик ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,4 фоизга камайгани билан олдимизда турган вазифалар қўламини камайгани йўқ. Вилоят прокуратураси органлари томонидан жорий йилнинг 1-ярмида жиноятчиликка қарши курашиш, ҳўқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида амалга оширилган ишлар ва йўл қўйилган камчиликлар аҳоли, жиноятларнинг ошган турлари, бу



рилиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларига чек қўйилди. Хусусан, Зарафшон тиббиёт бирлашмасининг собиқ бош врач А.Кароматов ўзи ва иш-фохонанинг бошқа ходимларига буйруқ асосида ортиқча штат бирикларини юклаб, сохта табеллар тўлдириш билан шуғулланиб келганлиги ошкор бўлди. Шу йўл орқали у 8 млн. 917 минг сўм миқдорда ортиқча иш ҳақ олган, бош ҳисобчи А.Мардонов эса тегишли ҳўжатларни расмийлаштирмасдан, 2011-2012 йилларда ноқонуний равишда ўзига 2 млн. 264 минг сўм миқдорда аванс пулларини ҳисоблаб, бюджет маблағларини ўзлаштириб юборган. Зарафшон шаҳар прокуратураси томонидан шахар тиббиёт бирлашмасининг мансабдорларига нисбатан жиноят иши кўзга тилиб, тергов якунига кўра жиноят иши айблов ҳўлосаси билан судга юборилди ва айбдор шахсларга тегишли жазо тайинланди.

Бу каби ҳолат Ўққудуқ туман тиббиёт бирлашмаси билан қарши курашиш бўлими бошлиғи Ж.Қоржинбаев фаолиятида ҳам рўй берди. У фуқаро М.Телекуловани 2-гурух ногиронлигига чиқариш вазифасига 1 млн. сўм пулларни бора тарикасида олган вақтида ушланди ва унга нисбатан туман прокуратураси томонидан жиноят иши кўзга тилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Бугунги кунда иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришда қонунийликнинг таъминланиши ҳам катта аҳамият касб этмоқда. Айниқса, дебитор ва кредитор қарздорлиқнинг олдини олиш, бу борадаги қонун-

бартараф этиш чораларини қўришмаган. Бундай масъулиятсизлик Навоий иқтисослаштирилган прокуратураси томонидан жамият мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши кўзга тилишга олиб келди ва айбдорларнинг жазога тортилиши таъминланди.

Кармана туманидаги "Кармана гипс маҳсулотлари" МЧЖ қўшма корхонаси ҳам қарздорлик жабрини тортишига тўри келди. 2012 йил 27 августда Украина давлатининг ООО "Денко груп" корхонаси билан 123 120 АҚШ доллари қийматида шартнома расмийлаштирилиб, ўсимлик ёғи сотиб олиш учун 62 700 АҚШ доллари миқдоридан тўлов амалга оширилган. Бироқ маҳсулот олиб келинмаганлиги оқибатида муддат ўтган қарздорлик юзага келганлиги сабабли туман прокуратураси томонидан корхона раҳбари Д.Худоевров ва бош ҳисобчи А.Тогаевларга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш кўзга тилиб, маъмурий жарима қўйилди.

Халқимизнинг уй-жой шароитини яхшилаш юзасидан амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар ҳатто юртимизга келмаётган чет эллик меҳмонларнинг ҳам ҳайрат ва эътирофига сазовор бўлмоқда. Бунёдкорлик ишларининг давлат миқёсида олиб борилиб, барча шахар ва қишлоқларимизни қамраб олганлиги оилаларнинг турмуши янада фаровон бўлаётганидан далолат беради. Айниқса, намунали лойиҳалар асосида қишлоқларда бунёд этилаётган замонавий уй-жойлар бачанинг ҳавасини келтирмоқда. Айни кунларда вилоятнинг бир қатор

600 та намунавий уй-жойлар қурилиши режалаштирилган бўлиб, ҳозирги кунда ушбу уй-жойларни қуриш ишлари давом эттирилмоқда. Вилоят прокуратураси томонидан ўтказилган назорат тадбирлари давомида қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича ваколатли идораларга 3 та тақдимнома киритилиб, ноқонуний ҳўжатларга 26 та протест келтирилди. 11 нафар мансабдор шахсга оғохлатирув эълон қилинди. Жиддий қонунбузилиш ҳолатлари бўйича 5 та жиноят иши кўзга тилиб, пудрат ташкилотларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан ҳўжалик судига 3 та даъво аризаси киритилди. Масалан, "Негус" хўсусий ишлаб чиқариш тижорат фирмаси томонидан Ўққудуқ тумани "Базар Жирау" массивида 10 та намунавий лойиҳадаги уй-жойлар қурилишида ҳақиқатда бажарилмаган 185 млн. 507 минг сўмлик қурилиш ишлари қўшиб ёзилишига йўл қўйилганлиги аниқланиб, вилоят прокуратураси томонидан фирма мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши кўзга тилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

борада олиб борилаётган про-филактик тадбирлар самарадорлиги ўрганилиб, натижаси вилоят ҳўқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мувофиқлаштирувчи. Кенгаши йўғилишида муқомада қилинди ва тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Инсон манфаатлари ва соғлигини муҳофаза қилиш, ёш авлодини комил инсон қилиб тарбиялаш, фуқароларнинг ҳўқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларнинг иқтисодий муҳофазасига эътиборни кўчатириш, аҳолининг ҳўқуқий маданиятини юксалтириш, ҳар бир фуқарога қонунларни тушунтириш, ҳўқуқбузарликларнинг олдини олиш каби вазифаларнинг аҳамияти ортиб, прокуратура органлари зиммасига алоҳида масъулият юкламоқда. Биз бу масъулиятни қанчалик қўқур ҳўс этсак, ҳар бир ишда ва ҳамма жойда қонун устуворлиги, фуқароларнинг ҳўқуқ ва эркинликлари таъминланишига эришсак, одамларнинг прокуратурага бўлган ишончи янада мустаҳкамланиб бораверади.



Саҳифаларда Навоий вилояти



Доимий назоратда

Навоий вилоят прокуратураси органлари томонидан фуқаролардан келиб тушган ариза ва шикоятларни ҳал қилишда асосий эътибор уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга қаратилмоқда. Шу мақсадда вилоят прокуратураси органлари томонидан фуқароларни ҳар кунги қабул қилиш йўлга қўйилган.

Жорий йилнинг январь-февраль ойларида вилоят ҳокимлиги, прокуратураси ва ИИБ раҳбарияти ҳамкорлигида барча туман ва шаҳарларда 3976 нафар тadbirkorлар иштирокида 11 мартаба учрашувлар ўтказилиб, 49 нафар тadbirkorга 189 млн. сўмлик кредитлар олиб берилишида амалий ёрдам кўрсатилди. 9 нафар тadbirkorга тегишли тартибда 1,8 гектар ер майдони ажратилиши таъминланди.

Шунингдек, вилоят прокуратураси ташаббуси билан ҳар бир туман-шаҳар прокуратураларида тadbirkorларнинг мунтазам қабулини ташкил қилиш бўйича ҳар ҳафтанинг жума кунини "Очиқ эшиклар" кунини деб эълон қилиниб, ҳозирги кунга қадар прокуратура органлари томонидан жами 5498 нафар тadbirkorлар билан учрашувлар ўтказилган. Уларнинг 14 нафарига 277 млн. сўм миқдорда кредитлар олиб берилишида амалий ёрдам кўрсатилди, 196 нафар тadbirkorга тегишли тушунтириш берилди.

Шу йилнинг 2 июль кунини вилоят ҳокими ва вилоят прокурори томонидан фуқароларни туман-шаҳарлардаги қишлоқ, маҳалла ва овул фуқаролар йиғинлари кесимида қабул қилиш ҳақида қўшма фармойиш имзолаган бўлиб, ҳозирда ҳар ҳафтанинг шанба кунини фуқароларни қабул қилиш ишлари амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг 8 оyi давомида вилоят прокуратураси органларига 3149 та мурожаатлар келиб тушган бўлиб, унинг 1498 таси бевосита прокуратура органларининг ўзида ҳал қилинган.

Бу даврда 3141 нафар фуқаро прокуратурада, шундан 1463 нафари шахсан прокурорлар томонидан қабул қилинди. Шунингдек, иш фаолиятида прокуратура органларида ташкил қилинган "007" рақамли ишонч телефонларида келиб тушган му-

рожаатларни ҳал қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Жорий йилнинг 8 оyiда ишонч телефонида 126 нафар фуқаро ва тadbirkorлик субъектлари мурожаат қилган бўлиб, прокуратура органлари томонидан уларнинг барчасига амалий ёрдам кўрсатилиши таъминланган.

Бундан ташқари, фуқаролар ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш жараёнида "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунга қатъий риоя қилинмоқда.

Ўтказилган текширишларда "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун ижро-

Нурали ИСРОИЛОВ,
Навоий вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи

ёзган аризаси шаҳар ҳокимлиги мансабдор шахслари томонидан жорий йилнинг 12 июнь кунига қадар қўриб чиқилмасдан ўз ҳолига ташлаб қўйилиб, хусусий тadbirkorнинг манфаатларига жиддий зиён етказилган. Зарафшон шаҳар прокуратураси томонидан шаҳар ҳокимлиги мансабдор шахсларига нисбатан ЖКнинг 144-моддаси 1-қисми, 205-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, ҳозирда тергов ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Фуқароларнинг мурожаатларини қўриб чиқиш тартибини бузганлиги учун Зарафшон шаҳар, Хатирчи ва Кармана туман ҳокимларига нисбатан интизомий, Кармана туман ҳокимининг 1-ўринбосари

А.Рашидов, Нурота туман ҳокими ўринбосари С.Мирзаев, Зарафшон шаҳар ҳокими ўринбосарлари Ш.Ахров, З.Джуроева, Хатирчи туман ҳокими ўринбосарлари Б.Раҳимов, В.Авлонларга нисбатан МЖТКнинг 43-моддаси билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида ишлар қўзғатилиб, суднинг қарорига асосан маъмурий жарама тайинланган.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан жорий йилнинг ўтган 8 оyi давомида мазкур қонун ижроси юзасидан ўтказилган текшириш натижаларига кўра жами 194 та прокурор назорати ҳужжатлари, шу жумладан, қонунбузилишларни бартараф этиш ҳақида 33 та тақдимнома киритилган, ноқонуний ҳуқуқий ҳужжатга нисбатан 4 та протест келтирилган, прокурорнинг қарори асосида 76 нафар шахс интизомий, 77 нафари маъмурий жавобгарликка тортилган, 3 нафар шахс қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирилиб, 1 та ҳолатда жиноят иши қўзғатилган, 154 нафар шахсининг бузилган ҳуқуқлари тикланган.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун ижроси юзасидан прокурорлик назоратини янада кучайтириш чоралари қўрилмоқда.

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишда қишлоқ ҳўжалиғи соҳаси муҳим ўрин тутаяди. Шу боис, ушбу соҳани янада ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, Навоий вилоят прокуратураси органлари томонидан ҳам соҳадаги ислохотларга тўсиқ бўлаётган ҳолатларга чек қўйиш, қонунлар ижросини таъминлаш ва деҳқон-фермер ҳўжаликларини ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Амалий ёрдам берилмоқда

Зафар ИРГАШЕВ,

Навоий вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Вилоят бўйича фаолият кўрсатиб келаётган 1782 та фермер ҳўжаликларида 1159 таси пахта-галлачилик, 7 таси сабзавотчилик ва полизчилик, 243 таси бодирчилик ва узумчилик, 329 таси чорвачилик, 42 таси балиқчилик ва 2 таси бошқа йўналишларга ихтисослашган бўлиб, вилоят прокуратураси органлари томонидан 2012 йил ва жорий йилнинг ўтган даврида ёш фермер ҳўжаликлари ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, вилоят бўйича 12 та ёш фермер ҳўжаликлари ташкил этилди, уларга 1178,65 гектар ер майдонлари ҳамда 228,3 млн. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилишида, 1,1 млн. сўм иш ҳақи, 3,5 тонна нефт маҳсулотлари, 34 тонна минерал ўғитлар, 19,7 тонна уруғлик ва 4 дона қишлоқ ҳўжалиғи техникалари олинишида амалий ёрдам берилди. Шунингдек, Навбаҳор тумани "Охун" фермер ҳўжалиғи раиси Т.Нуринованинг "Ўзқишлоқҳўжаликмашлизинг" компаниясининг Навоий вилоят филиалидан "Охун" фермер ҳўжалиғи ҳисобига 1 дона "TS-135" русумли хайдов трактори олишда амалий ёрдам бериши сўраб ёзган аризаси ўрганиб чиқилди ҳамда вилоят прокуратурасининг аралашуви билан 2013 йил 4 июнда "Охун" фермер ҳўжалиғига 1 дона "TS-135" русумли хайдов тракторининг олиб берилиши таъминланди.

Шу каби Конимех тумани "Учқун Норкул ўғли" фермер ҳўжалиғи раиси У.Абдуқулловнинг "Ўзқишлоқҳўжаликмашлизинг" компаниясининг Навоий вилоят филиалидан фермер ҳўжалиғи ҳисобига 1 дона "TS-6070" русумли хайдов трактори олишда ёрдам бериши сўраб ёзган аризаси ҳам туман прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилди ва 2013 йил 21 июнь кунини фермер ҳўжалиғи ҳисобига "TS-60-70" русумли хайдов трактори олиб берилди. Шунингдек, Конимех туман прокуратураси томонидан "Досманбет Турсинбек" фермер ҳўжалиғига 2 тонна, "Аваз" фермер ҳўжалиғига 3 тонна ва "Шоҳгулмун" фермер ҳўжалиғига 4 тонна азотли минерал ўғит олиб берилишида ёрдам кўрсатилди.

Бундан ташқари, вилоят прокуратураси томонидан фермер ҳўжаликларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тайёрлов, хизмат кўрсатувчи ва таъминот корхоналари томонидан фермер ҳўжаликларининг ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда. Жумладан, "Қизилтепа пахта тозалаш" ОАЖ Кармана туманидаги 13 та, Қизилтепа туманидаги 13 та фермер ҳўжаликлари билан пахта хомашёси етиштириш бўйича контрактация шартномалари тузилган. Ушбу шартноманинг 4,3-бандида ҳўжаликка етказиб берилган маҳсулот қийматининг 90 фоизлиғи ҳисобидан терим учун юборилган пуллар ва бошқа харажатлар чегирилгандан қолган қисми 2012 йилнинг 31 декабрига қадар тўлаб берилиши белгиланган бўлса-да, шартноманинг ушбу банди талаби бузилган. Вилоят прокуратураси томонидан жорий йилнинг май ойида 26 та фермер ҳўжаликлари манфаатларини кўзлаб, "Қизилтепа пахта тозалаш" ОАЖдан 423 млн. 578 минг сўмини ундириш тўғрисида вилоят ҳўжалиқ судига даъво аризалари киритилди.

Навбаҳор туман прокуратураси томонидан ўтказилган назорат тadbirkorлари давомида фуқаро Х.Қудратов томонидан "Руслан Фаррух" фермер ҳўжалиғига тегишли бўлган ер майдонининг 30 сотихи ўзбошимчилик билан эгалаб олинганлиги, "Озода" фермер ҳўжалиғи раиси Ф.Исоқова эса ўзига тегишли бўлган фермер ҳўжалиғининг 12 сотих ер майдонига ўзбошимчилик билан ноқонуний равишда уй-жой қуриш учун пойдевор кўтарганлиги аниқланиб, туман прокуратураси томонидан ушбу фуқароларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 200-моддаси билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди. Ўзбошимчилик билан қурилган пойдевор билан уй-жойни буздириш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича Навбаҳор туманлараро судига даъво аризаси киритилди.



Хизмат эътирофи

Менга 2008 йили Президент Фармони билан фахрий унвон берилган. Шу вақтдан бери иш ҳақимга ушбу унвон учун қўшимча ҳақ тўлаб келинади. Лекин бир йил аввал иш жойим ўзгарди ва янги иш жойимда бу тўлов қандай тўланаётганини тушунмай қолдим. Бу ҳақда бухгалтериядан сўрасам, ҳаммасини вақтида тўлаяпмиз, дейишапти. Айтингчи, бундай унвон учун бугунги кунда қанча пул тўланиши, янги ишга ўтганда тўлов қандай бўлиши керак? Пенсияга чиқса ҳам бу тўлов бўладими ёки йўқми? Унган солиқ олинадими?

З.Шодиёв,
Юносулбод тумани

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 3 январдаги Қарори билан тасдиқланган "Фахрий унвонлар эгаларига тўловларни тайинлаш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги Низомда қайд қилинишича, "Халқ" ва "Хизмат кўрсатган арбоб" фахрий унвонлари эгаларига энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари миқдориди, "Хизмат кўрсатган артист" фахрий унвони эгаларига энг кам ойлик иш ҳақининг 1,8 баравари миқдориди, "Хизмат кўрсатган" фахрий унвони эгаларига (қолган касблар бўйича) энг кам ойлик иш ҳақининг 1,6 баравари миқдориди амалга оширилади.

Фахрий унвонлар учун ҳар ойлик тўловлар:

бюджет ташкилотларида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган шахсларга — тегишли бюджетлар ҳисобидан;

хўжалик ҳисобидидаги хўжалик юритувчи субъектларда

меҳнат фаолиятини амалга ошираётган шахсларга — хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз маблағлари ҳисобидан.

Ишлайётган шахсларга фахрий унвонлар учун тўловлар асосий иш жойида иш ҳақи билан биргаликда тўланади.

Фахрий унвонга эга бўлган ходим бошқа ишга ўтганда тўлов бўшаган ойдаги ишлаб берилган кунлар сонидан қатъи назар, олдинги иш жойида тўлиқ ҳажмда тўланади. Янги иш жойида эса тўловлар тўлов амалга оширилган охириг ой тўғрисида олдинги иш жойидан маълумотнома тақдим этилгандан кейин тўланади.

Агар шахс бир неча фахрий унвонларга эга бўлса, тўлов энг кўп миқдори назарда тутилган фақат битта фахрий унвон учун тўланади.

Фахрий унвонлар учун тўловлар меҳнатга ҳақ тўлаш фондида киритилади ва унга жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи соли-

нади, ундан давлат-ижтимоий сўғуртасига маблағ ажратилади.

Бундай унвонга эга бўлган шахс пенсияга чиққан ҳолларда тўлов Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан яшаш жойидаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимлари орқали тўланади. Лекин бундай шахс пенсияга чиққандан кейин ҳам ишлашнинг давом эттирса, тўлов иш жойидан тўланади.

Ишламаётган пенсионерларга фахрий унвонлар учун тўловлар олинганда пенсиянинг туридан қатъи назар, белгиланган тартибда амалга оширилади. Тўлов фахрий унвонга эга бўлган шахс вафот этганлиги муносабати билан тайинланган боқувчисини йўқотганлик пенсиясига қўшилмайди.

Меъёрни билган яхши

2009 йилда жиноят содир қилиб, амнистия акти бўйича жазодан озод бўлган шахс 2012 йилда жиноят содир қилса, унга амнистия қўлланиладими?

"Ишонч" газетасининг 2012 йил 8 декабрь кунги ҳамда "Хуқуқ" газетасининг 2012 йил 20 декабрь кунги сонидида муқаддам амнистия бўйича жазодан озод қилинган шахсларга такроран жиноят содир қилганларида амнистия қўлланилмайди, деб кўрсатишган. Шу тўғрисида?

Ҳурматли Ортбошимиз мол-мулкнинг мусодара қилиниши жазо тизимида чиқарилади, деб таъкидлаган эди. Хусусий мулк дахлсиз, у давлат ҳимоясида бўлса, фуқароларнинг миллий валюталари, АҚШ доллари ва турли ҳужжатлари мусодара қилинадими?

Ж.Болтаев,
Шовот тумани

Амнистия акти жамиятнинг инсонпарварлик тамойили ҳисобланиб, у жиноят содир этган шахсга нисбатан кечиримлик, тўғри йўлга тушиши учун берилган имконият саналади. Муқаддам жиноят содир этган, амнистия актига асосан жазодан озод этилган шахслар яна жиноят содир этган ҳолатларда ҳам амнистия қўлланилиши мумкин. Лекин шу билан бирга, қабул қилинган амнистия актининг ўзида у қўлланилмай-диган ҳолатлар кўрсатиб ўтилади.

Навбатдаги саволингизга келадиган бўлсак, ҳақиқатан ҳам "мол-мулкни мусодара қилиш" жиноят содир этишда айбли, деб топишган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган жазо тизимидан 2001 йил 29 август кунги "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан чиқариб ташланган. Лекин жиноят содир этиш натижасида ортирилган мол-мулк, бойликлар, жиноят қуроли сифатида фойдаланилган нарсалар тақдири қонунда белгиланган тартибда ҳал қилинади. Хусусан, ЖКнинг 284-моддасида белгиланган тартибда кўра, жиноят нараси бўлган мол-мулк, башарти аввалги эгасига қайтариб берилиши лозим бўлмаса, суд ҳукми билан давлат эгаллигига ўтказилади, дейилади. Бу мол-мулк топилмаган бўлса, суд ҳукми билан, жиноят иши тугатилган бўлса, суднинг фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида чиқарган ҳал қилув қарорига кўра, унинг қиймати давлат фойдасига ундирилади.

Шу билан бирга, ЖКнинг 285-моддасида жиноий йўл билан ортирилган мол-мулкнинг бундан буён кимга тегишли бўлиши белгиланган тартиби кўрсатилган бўлиб, унда айбланувчи томонидан жиноий йўл билан ортирилган пуллар, буюмлар ва бошқа бойликлар суд ҳукми билан етказилган мулкнинг жиёни қоплаш учун сарфланган, жиёни қоплашдан ортиган сумма эса давлат фойдасига ўтказилади.

Жиноят нараси бўлиши мол-мулк учинчи шахсларда топилиб, улардан тортиб олинган ва тегишлилигига қараб, қайтарилган бўлса, судланувчи томонидан ушбу мол-мулкни сотиш йўли билан ортирилган пуллар, буюмлар ва бошқа бойликлар суд ҳукми билан давлат эгаллигига ўтказилади. Мол-мулкни инсофли эгалловчи бу мол-мулк эгасига қайтарилиши натижасида етказилган жиёни ундиритиш ҳақида маҳкумга нисбатан фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида даъво қўзғатиш ҳукуқи тушунтирилади.

Бундан ташқари, Жиноят кодексининг 211-моддасига кўра, суд ҳукмида, шунингдек, жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги ахрим ёки қарорда ашёвий далиллар масаласи қуйидаги қоидаларга риоя этилган ҳолда ҳал қилинади:

1) жиноят қуроллари, кимга тегишлилигини қатъи назар, мусодара қилиниши керак ва тегишли муассасаларга топширилади ёки йўқ қилиб юборилади;

2) муомаладан чиқарилган ашёлар тегишли муассасаларга берилиши лозим ёки йўқ қилиб юборилади;

3) ҳеч қандай қимматга эга бўлмаган ашёлар йўқ қилиб юборилади, манфаатдор шахслар ёки муассасалар илтимос қилган ҳолларда эса уларга берилиши мумкин;

4) жиноят ёки бошқа ғайриҳуқуқий ҳаракатлар содир қилиниши натижасида қонуний эгаси ва мулкдоридан маҳрум бўлиб қолган пуллар ёки бошқа бойликлар қонуний эгалари, мулкдорларига ёки уларнинг ҳуқуқий ворисларига, шунингдек, меросхўрларига қайтариб берилиши лозим;

5) жиноий йўл билан ортирилган пуллар ва бошқа бойликлар суднинг ҳукмига биноан жиноят натижасида етказилган мулкнинг зарарни қоплашга ўтказилади, мулкнинг зарар қилган шахс аниқланмаган тақдирда, давлат фойдасига ўтказилади;

6) ашёвий далил ҳисобланувчи ҳужжатлар уларни сақлаш зарурати тугагунга қадар ишда асраб турилади ёки манфаатдор шахсларга ёхуд муассасаларга берилади.

Эр-хотиннинг танлови бўйича

Мустақилликдан кейин эр-хотин ўртасида никоҳ шартномаси, деган янги тушунча кириб келди. Бундай шартномани қачон тузса бўлади?

Ҳ.Фаттохов,
Навоий шаҳри

Никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатида олингунга қадар ҳам, шунингдек, никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин.

Давлат рўйхатида олингунга қадар тузилган никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатида олинган кундан бошлаб қуча қиради. У ёзма шаклда тузилиб, нотариал тартибда тасдиқланиши лозим.

Буни қандай аташ мумкин?

Вилоятимиздаги Хондиза тоғ-металлургия комбинатида олий маълумотли ва коллеж битирувчиларини ишга қабул қилишда икки босқичли имтиҳондан ўтказилишда. Шу ҳолат қанчалик тўғри?

С.Тошев,
Ўзин тумани

Ишга қабул қилаётганда синовдан ўтказишдан мақсад ходимнинг топширилаётган ишга лаёқатлигини текшириб кўришдан иборатдир. Албатта, ҳар бир корхона ва ташкилотда ходим билан меҳнат шартномаси тузишдан аввал суҳбат асосида унинг мутахассислиги бўйича кўникмаси ва ишлаш мақсади аниқланади.

Амалдаги меҳнат қонуничилигига ишга қабул қилишда дастлабки синов белгиланиши мумкинлиги ва бу синов муайян муддатдан, яъни уч ойгача бўлган даврни ташкил қилиши ва бу ходим билан иш бевуви ўртасида тузилади меҳнат шартномасида қайд қилиниши белгилаб қўйилган. Меҳнат кодексининг 84-моддасига мувофиқ, бундай шартлашув бўлмаган тақдирда, ходим дастлабки синовсиз ишга қабул қилинган, деб ҳисобланади. Бироқ, меҳнат қонуничилигида дастлабки синов имтиҳон тарзида ўтказилиши мумкинлиги тўғрисида норма мавжуд эмас. Чунки, юқорида таъкидланганидек, Меҳнат кодекси бўйича ишга қабул қилишда дастлабки синов белгиланган муддат давомида ходимнинг топширилаётган ишга лаёқатлигини текшириб кўриб, унинг меҳнат шартномасида шартлашилган ишни давом эттиришнинг мақсадида мувофиқлиги ҳақида бир қарорга келиш мақсадида белгиланади. Қолаверса, дастлабки синов даврида ходимларга

меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва корхонада ўрнатилган меҳнат шартлари тўлиқ татбиқ этилади ва бундай синов даври меҳнат стажига киритилади.

Ҳомилдор аёллар, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар, корхона учун белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилган шахслар ишга қабул қилинганда, шунингдек, олти ойгача муддатга ишга қабул қилиш ҳақида ходимлар билан меҳнат шартномаси тузилганда дастлабки синов белгиланмайди.

МКнинг 87-моддаси талаби бўйича, дастлабки синов муддати тугагунга қадар ҳар бир тараф иккинчи тарафни уч кун олдин ёзма равишда огоҳлантириб, меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолда иш бевуви меҳнат шартномасини синов натижаси қониқарсиз бўлгандагина бекор қилиши мумкин.

Меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган огоҳлантириш муддатини қисқартиришга фақат шартнома тарафларининг келишуви билан йўл қўйилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ёки меҳнат шартномаси тарафларнинг келишуви билан белгилаб олинган огоҳлантириш муддати мобайнида ходим меҳнатга оид муносабатларни бекор қилиш тўғрисида берилган аризани қайтариб олишга ҳақлидир.

Агар дастлабки синов муддати тугагунга қадар тарафлардан бирортаси ҳам меҳнат шартномасини бекор қилишни талаб қилмаган бўлса, шартноманинг амал қилиши давом этади ва бундан кейин уни бекор қилишга умумий асосларда йўл қўйилади.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуққа оид саволларингиз бўлса, бизга murojaat қилинг. Уларга тажрибали ҳуқуқшунослар жавоб беради. Саволларингизни «Huquq» газетасининг «huquq@huquq-gazeta.uz» электрон почтаси орқали юборишингиз мумкин.

Саволларга ҳуқуқшунос Дониёр ХАЛИЛОВ жавоб беради.

Гиёҳвандлик: унга қарши курашнинг асосий йўналишлари

Гиёҳвандлик воситаларининг гайриқонуний равишда муомалага киритилиши бугунги кунда энг жиддий трансмиссий хавф-хатарлардан бирига айланган бўлиб, дунёнинг барча минтақаларида халқаро наркобизнес ва у билан боғлиқ жиноятчиликнинг кенгайиб бориши кузатиламоқда. Бу эса жаҳон ҳамжамиятидан қатъий ва мувофиқлаштирилган хатти-ҳаракатларни амалга оширишни, гиёҳвандликка қарши кураш бўйича ҳар томонлама ҳамкорликни чуқурлаштиришни, барча мамлакатларнинг ушбу соҳадаги мажбуриятлари аниқ бажарилишини тақозо этмоқда.

Гиёҳвандликнинг дунёда тарқалиш миқёси инсониятда жиддий ташвиш уйғотмоқда, негаки, бу иллат ёшларнинг жисмоний ва руҳий саломатлигига, қолаверса, ўсиб келаётган авлоднинг келажаги ҳамда жамиятнинг ижтимоий барқарорлигига жуда катта салбий таъсир кўрсатади. Сурункали гиёҳвандликка чалинган одам жамият учун фойда келтириш қобилиятидан маҳрум бўлади, яъни меҳнат қилиш, насл қолдириш қобилияти кескин тарзда сусайиб кетади. "Аср вабоси" деб баҳоланаётган "заҳри қотил" қанчадан-қанча инсонларнинг бахтига зомин бўлаётгани, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишга одатланиш оқибатида ногирон, жисмоний ва ақлий нуқсон бораётганининг дунёда келаётгани ҳақида ўйласак, янада сергак тортамыз.

Таъкидлаш лозимки, дунё бозоридаги наркотик моддаларнинг 85 фоизини Афғонистонда ишлаб чиқарилган героин ва қорадори ташкил этади. Баҳолаш маълумотларига кўра, опий гуруҳидаги моддаларнинг айланishi эвазига олинаётган даромад 68 млрд. АҚШ долларига тенг келмоқда. Биралашган Миллатлар Ташкилотининг ахборотиغا кўра, дунёда 250 млн.дан ортиқ киши гиёҳванд моддаларни мунтазам истеъмол қилади. Ҳар йили Афғонистонда гиёҳвандлик воситалари контрабандаси ҳажми ортиб бормоқда. Маълумот учун айтадиган бўлсак, Афғонистонда бутун дунёда истеъмол қилинадиган героин моддасининг 95 фоиздан ортиғи етиштири-

лади. Бунинг оқибатида, наркотранзит сифатида фойдаланаётган Марказий Осиё давлатлари, шу жумладан, Ўзбекистонда қолиб кетаётган гиёҳвандлик воситаларининг миқдори ортиб бораёпти.

Гиёҳвандлик воситаларининг тўлиқ айланиши ҳажми-ни тасаввур қилиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан мусодалар қилинган гиёҳвандлик воситалари ҳақидаги айрим маълумотларни келтириш мумкин. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан 2004-2012 йиллар мобайнида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан 26 тоннадан ортиқ гиёҳвандлик воситалари мусодаларга қилинган. Мазкур рақамлар гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласига қарши тегишли чора-тадбирларни янада такомиллаштиришни тақозо қилади.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга мураккаб ва кўп қиррали жиноий ҳодиса сифатида қаралади. Гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласи бошқа жиноий жараёнларга ҳам таъсир кўрсатади. Уларга қўйидагиларни киритиш мумкин: экстремистик ва террорчи гуруҳлар фаолиятининг молиялаштирилиши; гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласидан олинган даромадларнинг легаллаштирилиши; транс-миллий жиноий ҳамжамиятларнинг ривожланиши; гиёҳвандликнинг аҳоли орасида тарқалиши ва бошқалар.

Мамлакатимизда мустақилликнинг ўтган йилларида гиёҳ-

вандликка қарши курашиш ва унинг олдини олишнинг норматив-ҳуқуқий базаси яратилди. Жумладан, 1999 йил 19 августда Ўзбекистон Республикасининг "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинган. Шунингдек, БМТнинг 1961 йилда қабул қилинган "Гиёҳвандлик воситалари тўғрисидаги ягона Конвенцияси", 1971 йилдаги "Психотроп моддалар тўғрисида"ги ҳамда 1988 йилдаги "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш бўйича" Конвенциялари ратификация қилинди.

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга қарши курашишни мувофиқлаштириш, мамлакат ичкарисидан, шунингдек, минтақада тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар устидан назорат олиб бориш бўйича халқаро шартномаларни бажариш мақсадида Ўзбекистонда 1994 йилда Наркотик моддаларни назорат қилиш Давлат комиссияси ташкил этилди. Шунингдек, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг гайриқонуний муомаласига қарши ҳам миллий, ҳам халқаро даражада кураш ишини такомиллаштириш масалалари бўйича тегишли таҳлилий ҳужжатлар ва таклифлар тайёрлаш, республикада ва унинг ташқарисидан гиёҳвандликнинг олдини олиш, наркотик воситалар устидан назорат олиб бориш масалалари бўйича маълумотлар базасини йиғиш ва шакллантириш мақсадида 1996 йилда Вазирлар Маҳмаси ҳузурида Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил Маркази ташкил этилди.

Бундан ташқари, мамлакатимизда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан мутасадди идоралар, жамоат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда жамоатчилик билан ҳамкорликда гиёҳвандлик воситаларининг гайриқонуний муомаласининг олдини олишга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, халқ таълими вазирлиги томонидан вилоятлардаги таълим муассасаларининг ўқувчилар орасида гиёҳвандлик тарқалишининг олдини олиш борасидаги фаолияти ўрганилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари белгиланди. Шунингдек, прокуратура органлари томонидан ўтказилган назорат тадбирларида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш, гиёҳвандликнинг олдини олишга масъул бўлган айрим идоралар, маҳаллий ҳокимликлар, минтақавий комиссиялар фаолиятида қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, уларни бартараф этиш чоралари кўриляпти.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан ноқонуний савдо қилиш уларга бўлган талаб борлиги туфайли ҳам мавжуддир. Шу боис, кураш нафақат наркожиноятчиликнинг илдиэларини йўқотишга қаратилиши, балки гиёҳвандлик воситаларига бўлган талабни ҳамда уларни истеъмол қилувчилар сонини камайтиришга ҳам йўналтирилиши зарур. Бунга эришиш учун гиёҳвандликка ружу қўйганлар ўртасида тарбиявий-профилактика ҳамда даволаш тадбирлари комплекс тарзда амалга оширилиши зарур.

Наркотик моддаларни назорат қилиш Давлат комиссиясининг 2011 йил 8 июндаги қарори билан Наркотик моддаларнинг суиистеъмоли ва ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Ушбу дастур асосида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, судлар ва бошқа ваколатли идоралар наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича

бошқариш органлари ҳамда жамоатчилик билан ҳамкорликда гиёҳвандлик воситаларининг гайриқонуний муомаласининг олдини олишга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, халқ таълими вазирлиги томонидан вилоятлардаги таълим муассасаларининг ўқувчилар орасида гиёҳвандлик тарқалишининг олдини олиш борасидаги фаолияти ўрганилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари белгиланди. Шунингдек, прокуратура органлари томонидан ўтказилган назорат тадбирларида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш, гиёҳвандликнинг олдини олишга масъул бўлган айрим идоралар, маҳаллий ҳокимликлар, минтақавий комиссиялар фаолиятида қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, уларни бартараф этиш чоралари кўриляпти.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан ноқонуний савдо қилиш уларга бўлган талаб борлиги туфайли ҳам мавжуддир. Шу боис, кураш нафақат наркожиноятчиликнинг илдиэларини йўқотишга қаратилиши, балки гиёҳвандлик воситаларига бўлган талабни ҳамда уларни истеъмол қилувчилар сонини камайтиришга ҳам йўналтирилиши зарур. Бунга эришиш учун гиёҳвандликка ружу қўйганлар ўртасида тарбиявий-профилактика ҳамда даволаш тадбирлари комплекс тарзда амалга оширилиши зарур.

Наркотик моддаларни назорат қилиш Давлат комиссиясининг 2011 йил 8 июндаги қарори билан Наркотик моддаларнинг суиистеъмоли ва ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Ушбу дастур асосида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, судлар ва бошқа ваколатли идоралар наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича

Марат ПАЛВАНОВ,
Бosh прокураторнинг
ОЎШ бosh мутахассиси

аниқ мақсадли комплекс чора-тадбирларни амалга оширишга, шунингдек, бу иллат тарқалишининг олдини олиш, идораларо ва халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Наркобизнесга қарши курашишда БМТнинг 1988 йилдаги гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш бўйича Конвенцияси муҳим аҳамият касб этади. Мазкур Конвенцияга аъзо давлатлар қабул қилган резолюцияга мувофиқ, 1987 йилдан бошлаб 26 июнь — "Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш кун"и" деб эълон қилинган.

Мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан трансмиссий наркогуруҳларни фoш этиш ва уларнинг фаолиятига чек қўйиш, контрабанда каналларини аниқлаш, гиёҳвандлик экинларини йўқ қилиш бўйича махсус операциялар ўтказиб келинмоқда. Жумладан, мунтазам ўтказиб келинаётган "Қорадори" тадбирлари давомида таркибида наркотик моддалар бўлган ўсимликларни гайриқонуний равишда етиштириш, сақлаш ва шу каби ҳолатлар аниқланмоқда ҳамда уларга барҳам берилмоқда.

Гиёҳвандликка қарши кураш фақат давлат ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинггина вазифаси бўлмасдан, балки жамоатчилик ҳам бу ишда уларга қўмақ бериши, фуқароларнинг ўз яшаш ва ишлаш жойларида ёки бошқа жамоат жойларида наркожиноятларнинг олдини олишда қатнашишга тайёргилигини қўллаб-қувватлаши лозим. Ҳозирда давлатимиз томонидан гиёҳвандликка қарши курашда кенг қўламли тарғибот ишлари олиб боришмоқда. Шунингдек, бу борада фуқароларнинг ҳам доимо оғoҳ бўлишса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Оила мустақамлигида ҳуқуқий маданиятнинг роли

Ҳар қандай шакл-шамойилдан қатъи назар, жамиятни оиласиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис бўлса керак, умумжаҳон миқёсида ҳам оила жамиятнинг асосий негизи деб тан олинган ва у дeяриб барча миллатларда мўҳаллас саналади. Диний манбаларда ҳам оилани ҳар хил қўринишдаги енгилатакилар оқибатида бузиш гуноҳи азим ҳисобланади. Шунга қарамасдан, жамиятимизда оила бузилишларининг кўлами кам эмас. Агарда ҳар бир оила бузилишининг сабаблари чуқур таҳлил қилинса, у ёки бу маънода унинг замирида ҳуқуқбузилишларнинг солид бўлганлигини англаб етатиш.

Хар бир оиланинг бузилиш ҳолатлари нафақат бузилган оилага, балки шу оила яшаган жамиятнинг ривожланишига ҳам салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Конституциямизга биноан, ҳар бир Ўзбекистон фуқаросида унинг ижтимоий ва ҳуқуқий мақомидан қатъи

назар, яшаш ҳуқуқи, шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, ор-номуси ва шаънини ҳимоя қилиш ҳуқуқи, эркин фикрлаш ҳуқуқи, сўз эркинлиги ҳуқуқи, виждон эркинлиги ҳуқуқи ва бошқа шу каби ҳуқуқлар мавжуд. Бесаранжом ва нотинч оилаларда айнан ана шу ҳуқуқларнинг бузилиши кузатилади. Агар

ки, оилада ҳуқуқий маданият ҳукм сурса, бундай оила ҳеч қачон инкирозга юз тутмайди. Агарда оила боши (эр) оилада оила аъзоларининг ҳуқуқларини тенг деб билса ва оилавий муносабатларда шахсий ҳуқуқларнинг амалга ошишида камарбаста бўлса, бундай оилада доимо тотувлик ва саришталик ҳукм суради. Ҳуқуқий маданиятли киши, аввало, ўзгаларнинг ҳуқуқини ўз ҳуқуқидан устун қўйди ва ҳеч бўлмаганда, ўзгалар ҳуқуқларини ўз ҳуқуқларидан паст билмасдан ҳурмат қилиш йўлини тутди.

Ҳуқуқий демократик жамиятнинг яна бир муҳим устувор жиҳати шундаки, унда ўз-ўзидан қонун устуворлиги тан олинади ва бутун жамият

Умид КУЛИЕВ,
Зомин туман прокуратураси терговчиси

ана шу қойда асосида фаолият юритади, яшайди ва ривожланади. Худди шу сингари жамиятнинг кичик бўлини бўлиши оила муҳитида ҳам оила аъзолари унинг тотувлигини таъминловчи қонун-қоидаларга бўйсунса, бундай турмуш ҳеч қачон парокандаликка юз тутмайди. Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг таклифи билан 2012 йил "Мустақам оила йили" ва 2013 йил "Обод турмуш йили" деб аталгани ҳам бежиз эмас. Зеро, оилада ҳуқуқий маданият ўз ўрнини топса, турмуш, албатта, обод ва фаровон бўлади.

Умрбод панжара ортида

Ярим тунда жиринглаган телефон овозидан чўчиб уйғонган Соҳиб (исм-фамилиялар ўзгартирилган) шоша-пиша рақамига қаради, укасиники экан. "Нима гап, тинчликмикан?" У хаёлидан шундай фикрларни ўтказиш баробарида, шоша-пиша телефонни қулоғига тутди. Аммо нариги тарафдан тушунарсиз овозлар эшитилди.

"Боласи йиғлаган бўлса, келин телефоннинг фонарини ёқман деб менинг рақамимни босиб юборган бўлса керак!" У шундай хаёлар билан телефонни ўчириб, энди ўрнига ётган эди, телефон яна жиринглади. Бироқ бу сафар ҳам ҳеч нарсани тушуниб бўлмади, тўсатдан телефон ўчирилди. Шундан кейинги унинг кўнглини хавотир қўлғади. Шоша-пиша укасининг телефон рақамини терди, ҳеч ким жавоб бермади. Келинига қўнғирок қилиб кўрди, телефонни ҳам ҳеч ким кўтармади. Тўсатдан укаси билан бирга яшайдиган онаси ёдига тушди. Ё унга бир гап бўлганмикан? Шоша-пиша кийиниб, укасиникига отланди. Оралари бор-йўғи бир километрча келади. Тезроқ юрса, бирпасда етиб олади...

Дарвозанинг очик турганини кўриб, ҳайрати онада ош-

ди. Шу заҳоти инграган овозни эшитди-ю, жон ҳолатда ичкарига югурди. Йўл-йўлакай пол ҳамда деворларнинг қонга беланганига, деразаларнинг синганига кўзи тушиб, юраги орқасига тортиб кетди. Ётоқхонага кириб, йиғлаб турган уч яшар жияни ҳамда ухлаб ётган кенжатоини кўргач, онасининг хонасига отилди. Ҳеч ким йўқ. Милицияга хабар бермоқчи бўлган эди, шоша-пиша телефонини уйда унутиб қолдиргани эсига тушди. Шунинг учун қўшнилардан ёрдам сўраш мақсадида кўчага югурди. Ён қўшнанинг эшигини энди тақиллатмоқчи бўлган эди, инграган овоз яна эшитилди-ю, овозининг борича:

— Ким у? Ойи, Сардор? — деб бақириб юборди.

— Мен...
Соҳиб келинини овозидан таниди. Шу боиси уни топиш мақсадида у ёқдан бу ёққа юғра бошлади. Аммо тун қоронғусида ҳеч нарсани илғаб бўлмади. Ниҳоят, келинини дарвоза ёнидан бир амаллаб топиб, нима бўлганини сўраган эди, келини аранг "бизни пи-



чоқлаб кетишди", деди. Бу ишни ким қилди, деган саволига эса маҳалладаги Бекназар ақанинг қуёви Сарсен, биздан пул сўради, деган жавобини олгач, онаси билан укаси қаерда эканлиги билан қизиқди. Аммо келин улар қаёққа қонганини билмаслигини айтди.

Бу гапларни эшитган, укасининг телефонини топиб, милиция билан тез ёрдамга қўнғирок қилди. Шундан кейин кўчага чиқиб, қўни-қўшилари-нинг эшигини тақиллатиб, ёрдамга қақира бошлади. Зумда дарвоза олдида анча-мунча одам йиғилиб, ҳамма Сардор билан онасини қидиришга киришиб кетди. Бу орада келинни қўшнанинг машинасида касалхонага жўнатишди.

Кўп ўтмай бир қўшнанин уйи яқинидаги ариқ ичидан қонга беланганча, хушсиз ётган Сардорни топишди. Уни тез ёрдам машинаси касалхонага олиб кетди. Бироздан кейин кимдир онасини топгани ҳақида хабар қилди. Она ҳам тиббий ёрдамга муҳтожлиги боис, касалхонага жўнатишди. Сардор олган тан жароҳатлари туфайли воқеа жойида вафот этган экан. Она ҳам жонлантириш бўлимида ҳаётдан кўз юмди. Шифокорларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли, фақатгина келиннинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Сарсеннинг изидан тушган тезкор ходимлар кўп ўтмай уни қўлга олишди.

Маълум бўлишича, ўша кунги Сарсен кўчада Сардорни учратиб қолиб, ундан 500 АҚШ доллари миқдорига қарз сўрайди. Рад жавобини олгач эса, қандай бўлмасин пулни ундириш пайига тушади ва ярим тунда Сардорнинг ҳовлисида девор оғиб тушади. Уни ухлаб ётган жойидан уйғотиб, яна пул сўрайди. Табиийки, Сардор унга қаршилиқ кўрсатади. Буни кутмаган Сарсен шу заҳоти


Шербек ИСАНОВ,
Бош прокуратура бошқарма
АМИБ терговчиси

пичоқни ишга солади. Шу вақт Сардорнинг хотини пайдо бўлиб, эрини химоя қилмоқчи бўлади-ю, у ҳам пичоқнинг тигига рўпара бўлади. Шу вақт пичоқнинг дастаси синиб кетади ва босқинчи ошхонага кириб, бошқасини топиб чиқади. Шовқинни эшитиб, қўшни хонада ухлаб ётган она ҳам кириб келади. Кўзи қонга тўлган босқинчи рўпарасида турган кекса аёлга ҳам пичоқ билан ҳамла қилади. Унинг аҳдидан қайтмаслигига кўзи етган келин, жароҳат олганига қарамай, ичкари уйга кириб, 300 АҚШ доллари билан 150 минг сўм олиб чиқади ва Сарсенга тутқазади. Аммо босқинчи бу пуллар камлигини айтиб, яна топиб беришни талаб қилиш баробарида, уларга пичоқ уришда давом этади...

500 АҚШ долларини деб икки инсоннинг умрига зомин бўлиб, бир нафарининг эса оғир тан жароҳат олишига сабабчи бўлган қотилга суд томонидан умрбод озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Эҳтиёт бўлинг, суперфирибгар

Қўлни совуқ сувга урмай, мўмай даромад дардан билан ёнаётган одам бор-ки, жиноят кўчасига қадам қўйиши турган гап. Бу йўлда кимлар ўғрилиқ қилса, бошқаси босқинчиликка, яна кимларнинг эса фирибгарликка қўл уради.



Одамларнинг ишончини суистеймоқчи қилиб, фирибгарлик билан пул топишдек жиноят турини ўзига "касб" қилиб олган карманалик Раъно Ишанқулова муқаддам шундай қилмишлари учун 6 марта жазого тортилса-да, "тавба" қилмаган экан.

Раъно Ишанқулованинг оилавий аҳолига назар соладиган бўлсак, у 4 нафар фарзанднинг онаси. Болаларига қанчалик меҳрибонлигини билмадик, аммо унинг пулга бўлган меҳри бўлакчалиги тайин. Аслини олганда, оилада фарзандлар тарбияси учун асосий масъулият онанинг зиммасига тушади. Р.Ишанқулованинг эса фарзандларига қандай таълим-тарбия бергани бизга қоронғу, бироқ унинг ўзи тарбияга муҳтож эканлиги аниқ. Акс ҳолда қайта-қайта жиноятга қўл урмаган бўларди.

2007 йилнинг ёз ойларидан берида Лола Файзуллаева билан танишиб қолган Раъно бу соддадидан аёлининг ишонувчанлигидан ўзининг ғаразли мақсади йўлида фойдаланиб қолишни кўнглига тугиб қўйди. Бунинг учун орадан 1 йил ўтиб, имконият туғилди. Лола 2008 йилнинг охирида уй-жой қуриш учун ер участкаси сотиб олиш ниятида эканлигини айтиб, қаердан арзонроқ ер топиш мумкинлиги борасида дугонасидан маслаҳат сўради. Айни шундай вазиятни қутиб юрган Р.Ишанқулова бундай қўлай имкониятни қўлдан бой бермаслик мақсадида, эски "хунари" ни ишга солди. Яъни, Кармана туманидаги Қумушқон қўрғонидан ер участкалари арзон эканлигини айтиб, 3 млн. сўмга олиб бериши мумкинлигини ҳам "қистириб" ўтди. Сўралаётган сумма Л.Файзул-

лаевани ўйлантириб қўйди.

— 3 миллион катта пул. Менда бунча пул йўқ, — деди у бўшашибгина.

Раъно унинг кайфияти тушиб кетганини кўриб, аврашга киришди.

— Сиз ташвишланманг, бунинг бир йўли бор.

— Қанақа йўл? — Лоланинг кўзлари қақнади.

— Сиз билан синашга бўлиб қолганмиз, Лолахоҳ. Сизга ёрдам бермасам, кимга бераман? — деди Раъно ўзини ҳолатбарор тутиб. — Буёғидан кўнглингиз тўқ бўлсин. Мен шу бугун-кун ер қидиришга киришаман. Пулнинг ўрнига тиллаларингиз ёки кийим-кечаклар билан ҳисоб-китоб қилишингиз мумкин.

— Ростданми, шунақа қилсам бўладими? — деди Лола севинишчана, хаффа бўлишчана билмай.

— Бўлганда қандок, жуда бўлади-да!

Шу тариқа давом этган суҳбатдан кўп ўтмай, Раъно хушуд кайфиятда дугонасининг уйига кириб келди. Ернинг дарагини эшитган Лола қувонгандан дугонасига тилла тақинчоқларини қўшқўлаб "ҳадя" қилиб юборди. Ўша паллада Раънонинг номига тақинчоқлар айтган бўлса, кейинчалик қарганган бўлиши аниқ. Чунки, Р.Ишанқулова шу усулда Л.Файзуллаеванинг 2011 йилнинг август ойига қадар 7 млн. 865 минг сўмлик кийим-бош ва тилла тақинчоқларини қўлга киритади.

Кўрсатган "хунар"лари ортидан хавфли рецидивист "мақоми"га мунособ қўрилган ва аёл Л.Файзуллаевани чўч қуришириш даврида бошқа бир фуқарони ҳам тузоғига илинтирган эди. Ваъда ҳам ўша — арзон нархга ер участкаси олиб бериш. Шозода

Худойберди НОРҚОБИЛОВ,
Навоий вилоят прокуратураси
бўлими прокурори

Жўраеванинг қўйини пуч ёнғоққа тўлдирган Раъно бу аёлининг 16 млн. сўмлик кийим-бошларини "ўзлаштириб" олди. Ш.Жўраева эса Навоий педагогика касб-хунар коллежининг орқа худудидан ваъда қилинган ер участкасини кутариб чарчади...

Раъно Ишанқулованинг фирибига лақа ташанлар фақатгина Лола ва Шозода эмасди. Ер участкаси олиб бериш "фаолияти"ни тўхтатган Раъно энди тилла тақинчоқларни қимматроққа сотиб бериш "хизмати"ни амалиётга татбиқ эта бошлади. Бу ўз самарасини бериб, фуқаро М.Қосимова "тўр"га илинди. Р.Ишанқулова тақинчоқларини қимматга сотиб беришга ишонтариб, унинг бозор нархи 1 млн. 200 минг сўмлик тилла узугини қўлга киритди.

Бундай "фаолият"ни ривожлантиришга астойдил бел болаган фирибгар, энди қимматга сотиб бериш хизматига қўшимча, тилла тақинчоқлар эвазига фойизга пул топиб беришни ҳам жорий қилди.

У шу йўл билан Муслима Нуримованинг 43 млн. 120 минг сўмлик ва Фирюза Ҳамидованинг 9 млн. 800 минг сўмлик тилла тақинчоқларини қўлга киритди. Алдос йўли билан қўлга киритилган қимматбаҳо тақинчоқларни сотиб юбориб, пулларини бемалол шахсий эҳтиёжлари учун ишлатаверган суперфирибгар ўз ўрнида содда аёлларнинг олдида "дон селиб" қўйишни ҳам назардан четда қолдирмади. Раъно жабрланувчилар жанжал чиқармасликлари учун "даромад"нинг маълум қисмидан воз кечишга мажбур бўлди. У М.Нуримовага 7 млн. 250 минг, Ф.Ҳотамовага эса 2 млн. 850 минг сўм бериб, қолган пулларни ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборди.

Ҳеч бир жиноят жазосиз қолмаганидек, одамларнинг соддалигидан ғаразли мақсадларда фойдаланиб келган суперфирибгар қилмишлари учун яна бир қарра суднинг қора қурсисидан жой олди. Жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар суди томонидан Раъно Ишанқуловага тегишли жазо тайинланди.

Мустақиллик йилларида республикаимизнинг соғлиқни сақлаш тизими тубдан ислоҳ қилинди. Тиббиёт муассасалари фаолияти самаралорлиги оширилиб, замонавий талаблар ва жажон стандартларига мувофиқ, аҳолига юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш таъминланди. Шундай бўлса-да, айрим шифокорлар кўрсатилган бундай имкониятлардан тўғри фойдаланиб, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш ўрнига, нафс йўриғига юриб, жиноят кўчасига кириб қолмоқдалар.

Товламачининг сўнгги манзили

Рустамжон ҚУВАНОВ,
Сергели туман прокуратураси терговчиси

Бизга маълумки, ҳалол ва тўқис ҳаёт кечириш тинимсиз меҳнат ҳамда сабр-тоқатни талаб қилади. Мўмай даромад топишнинг ортида эса албатта, қонуларни четлаб ўтиш каби муҳим оқибатлар ётади. Мана шундай ноқонуний ҳаракатлардан бири товламачилиқдир. Олий маълумотли шифокор бўла туриб, Гиппократ қасамини ичган Нурбек Йўлчиев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам мўмай пул топиш илминини бировнинг пулига товламачилик билан эришмоқчи бўлди. Тошкент тез тиббий ёрдам шифохонасининг юз-жаз жароҳлиги бўлимида ишлайдиган шифокор мўмай пул топиш васвасасида шунча йил олган илминини, беморларга хизмат кўрсатиш орқали йиққан обрўсини ер билан битта қилди.

Ишлаб турган лавозимига кўра, у ўзига бириктирилган беморларга вақтида тахсис қўйиб, уларнинг тўлиқ даволанишига жавобгар Н.Йўлчиев шифо излаб келган фуқародан товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилади. Фуқаро Васила Асророва оқ халат кийган шифокорнинг кўнгли ҳам либоси каби тоза бўлса керак, деб ўйлаб, шифо топиш учун унга учрашади. Шифокор эса бунинг учун операция қилиш кераклиги, хизмат ҳақиқага эса 600 минг сўм ҳам олиб келишини қистириб ўтди. Бу гапи билан Н.Йўлчиев хизмат ваколати доирасидан чиқиб, жиноятнинг қоронғу кўчасига кириб кетаяётганини билса-да, мўмай пул илмининида бу йўлдан қайтмаси келмади. В.Асророва у талаб қилган пулни топа олмагач, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилишга мажбур бўлди. Оқибатда эса, нафсининг йўриғига эргашган шифокор жиноят устидан ушланди.

Н.Йўлчиевнинг иши судда атрофлича қўриб чиқилиб, унга қонун бўйича тегишли жазо тайинланди.



Мурозим Раимов ва Мухитдин Низоумутдинов "Кўр кўрни қоронғида топади", деган наққа жула мос тушадиган кимсалардан эдилар. Ҳар иккиси муқаддам ўғрилиқ жинояти билан суллалган, тайинли иш-жойи йўқ, майла қурилиш ишлари билан шугулланиб, рўзгорини номига тебратишни олат қилганли. Маълум вақт ҳайдовчилик қурсаа бирга ўқиб, дўстлашган ошналар кейинчалик анча мулаот кўришмай юришди. Мана, уларнинг йўллари яна кесишди...

— Қиморбозлардан қочиб юрибман, — деди салом-алиқдан сўнг Мухитдин. У анчадан буюн Мурозимни кўрмаганди. Дўстини Кўргонтепа деҳқон бозорига тасодифан учратиб қолиб, арзи-ҳол қилишга ўтиб кетди.

— Каттага тушиб қолдим, — сўзида давом этди у. — Уйимдаги ҳамма нарсани олиб чиқиб кетишди. Ҳозир пулга зориқиб турибман. Бирон ишни бошласак...

— Шунангами?.. — дея ўйга толди Мурозим. — Бир ҳафтадан кейин қўришайлик, иш бор, — гапига кескин нукта қўйди у. Бўлиб ўтган ишбу қисса мулоқот муҳтисл жиноятлар содир этилишига олиб келган дастлабки қадам эди.

Орадан тўрт кун ўтиб, Мухитдин сабр қилолмай, дўстининг уйига йўл олди. Кўргонтепадаги эски, пасткам уйларнинг бири томон одимлаган Мухитдин шеригининг хонадони олдида тўхтади. Дарвозани тақиллатиб, уни қўя очди. Ичкарида Мурозим узумни хомтоқ қилаётган экан. У Мухитдинни кўргач, нарироққа бориб тур, дея имлади. Бундай муомаладан хайрон бўлган меҳмон уйдан чамаси 100 метрларча узоқлашди. Бироздан сўнг мезбон ҳам пайдо бўлди. Икковлон пана жойга ўтиб, суҳбатга киришди.

— Қара, қўришмаганимизга ҳам анча вақт бўпти, — деди Мурозим дадиллик билан. Сўнгра мақсада қўчди. — Пул ҳаммага керак. Менда бир иш бор. Фақат қалтис...

— Қалтис?..

— Ҳа... Киракшларни биласан. Улардан биронтасини ёллагач, овлоқ жойга олиб бориб, гумдон қиламиз-у, машинасини сотамиз.

— Гумдон қилиш шартми? — Оёқ-қўлини боғлаш ҳам мумкин. Фақат молни сотгунга қадар у жим туриши керак. Тушундингми?

— Тушундим...

Бир тўхтама қелган жиноий шериклар 15 кундан сўнг режани пишитиб, яна Кўргонтепада кўришишди. Улар ёвуз ният исканжасида Андижон сари йўлга тушдилар. Шаҳарга келган пайтларига вақт пешинга яқинлашиб қолганди. Шу боис, кечгача қуттишга аҳд қилишди. Бунга қадар қўча чангибти юришди, чойхонага кириб, бироз қоринни алдаб, сўрига ёнбошлашди. Кеч кирганда, икковлон "иш"га отланганди. Улар туманларга қатнайдиган энгил машиналарнинг турароҳига келишди. "Ўлжа" пойлаб яқин атрофда бироз изғича, уларнинг кўзига сиёҳанг "Тико" ташланди. Машина ҳайдовчиси бошини рулга қўйиб,

мизгитганди. Мурозим эшикни тақиллатди. Машина эгаси қўчиб ўйғониб, атрофга алағланганча, ойнани туширди.

— Бўшмисиз? — деб сўради Мурозим.

Ҳайдовчи уйқўсиратганча бош иргиди.

— Ака, Булоқбошига боришимиз керак. Ташлаб қўясизми?

— Ҳимм... Илоҳим йўқ. Ман фарғоналикман. Манзилни билмайман...

"Омадни қара", деб юборди Мухитдин ичиди. Бошқа вилоятдан келган ҳайдовчини алдаш осон кечишини ўйлаб, йўловчилар уни кўндиришга астойдил киришиб кетишди. Машина соҳиби эса ахдидан қайтмай туриб олди. Аммо яхшигина хизмат ҳақи тақлиф этилгач, иккилана-иккилана розилиқ берди. "Ўлжа" қорпоңга тушганидан мамнун бўлиб, икковлон машинага ўтиришди.

Авалл келишганидек, Булоқбоши туманига йўл олишди. Аммо соат миллири андиғина 22:00 ни кўрсатар, кўчада машина ва пивдалар кўп эди. Ҳувоҳлар бўлиши мумкинлигидан қўрққан ҳамтовоқлар бу ерда иши битмагани, энди Ҳўжабод туманига бориши кераклигини айтишди. Ҳайдовчи бу гап унамай, мижозлардан йўл қира ҳақини тўлашларини талаб қилди. Лекин Мухитдин қўшимча хизмат ҳақи беришини, Ҳўжабод эса яқин эканини айтиб, ҳайдовчини кўндирди. "Тико" яна йўлга тушди.

Булоқбоши туманининг Мойариқ маҳалласидан оқиб ўтувчи Жанубий Фарғона каналнинг кўприғи ёнида Мухитдин ҳайдовчига тўхта, деган буйруқни берди. Атроф хилват, ҳеч зор кўринмасди. Айтилган одамни қуттишни баҳона қилиб, шериклар машинадан тушибди ва сигарета тутатиб, қотиллиқни режалаштиришга киришди.

— Сен орқа ўриндиққа ўтирасан, — деди Мурозим. — Орқадаги юкхонада сим бор. Чикаётиб кўрдим. Ушани олиб, анавини бўғасан. Мен қаршилик кўрсатмаслиги учун қўл-оёқларидан ушлаб турман...

Мухитдин унинг сўзларига қулоқ тутиб турганида, қутилмаган вазиет юзага келди. Ҳайдовчи оёқларининг чигалини ёзиш мақсадида уловдан тушиб, қўлини ювиш учун канал четига чўққалди. Икковлон шўрпешона ҳайдовчи томон ошмишди. Мурозим ташаббусини қўлга олиб, автомобил эгасининг белидан маҳкам қўчоқлаб, ерга қулатди ва "Мухит, симни обке", деб бақирди. Нима бўлаётганини англаб етмаган ҳайдовчи эсанқираб, ўзини ушлаб турган қўллар исканжасидан чиқиб кетишга уринди.

Нафс қутқуси

Аммо тез орада Мухитдин сим билан қайтиб келиб, ҳайдовчининг бўғзини зич қилиб тортиб, боғлаб қўйди. Мурозим эса жабрдийда хириллашни ва тилчиллашни тўхтатгунга қадар қўлларидан ушлаб турди.

Энди Мурозим жасадни йўқотиш пайига тушди.

Жиноят изини яшириш учун жасад қопга солиниб, қоп тошлар билан тўлдирилди ва шу тариқа уни кўприқдан каналнинг ўртасига ташлаб юборишди.

Мухитдин рулга ўтиргач, Боғишамолдаги машина бозорига йўл олишди. Барвақт келишгани учун уч-тўрт соат қуттишди. Бозорда одам кўпая бошлади. Қотиллар даллолларни машинага йўлатишмади. Сир фойш бўлиб қолишини хоҳлашмади. Маълум муддатдан сўнг бир аёл келиб, "Тико"нинг нарҳини сурашгирди. Мухитдин "минг доллар", деб айтди. Унинг ҳужжатлари сўралганида эса Мурозим бозордан олиб чиқишини айтиб, ичкарига кириб кетди ва қайтиб чиқмади. Бироздан кейин аёлнинг шериклари — унинг ораси ва ҳўжайини келишди. Савдо қизгач, Мухитдин нарҳини 750 АҚШ долларига туширди. Кейинчалик 600 АҚШ долларига ҳам бериб юборишга тайёр эканини айтди. Ҳўжабодга йўқлиги, паспорт ва гувоҳнома сини милиция ходимларига олдириганини айтган эди, анойи ҳаридорлар шунда ҳам ҳеч нарсадан шубҳаланишмади. Пулнинг дастлабки қисмини уларнинг уйда беришга келишиб олишди. Мурозимдан дарак бўлмагач, Мухитдин харидорлар билан йўлга тушди. Уларнинг уйдан бўнақ тариқасида 100 АҚШ долларини олиб, қолган ҳужжатларни эртага расмийлаштиришини, ҳозир "Жигули"ни сотиб олишга шошिलाётганини айтди. Ҳўжабоднинг Дангра туманидан эканини айтиб, аниқ манзилни тавсифлаб берди ҳам унутмади. Шу орада у ҳужжатларда машинанинг ҳақиқий эгаси қаердан эканини ёдда қолдиргани асқотди. Шунингдек, қотил қувлик билан шевасини ўзгартириб, худди фарғонадан келгандек гапира бошлади ва сўзларини тез-тез талаффуз қилди.

Юз АҚШ долларини олган жиноятчи ҳам, арзон-гаровга автобилнинг "эгасига" айланган соддадил харидор ҳам ўзида йўқ ҳолатда бўлишди. Машина бозорига қайтган Мухитдин шериги билан пулни тақсимлагач, иккови ҳам уйларига жўнашди. Мухитдин қиморбоз ҳамтовоқларига қарзини тўлади. Мурозим эса пулни ўзи учун қийим-кечак сотиб олишга ва рўзғорга ишлатиб юборди.

Орадан ярим йилдан кўпроқ вақт ўтди. Апрель ойининг охирида Мухитдиннинг касали қўзғаб қолди-ю, у осон йўл билан пул топиш илинжиде Мурозимнинг уйига йўл олди. Уша қулнари Мурозим уйда жўралар учун қал берганди. Меҳмонларни қузатгач, иккаласи ёлғиз қолишди. Олди-қонди гаплардан иборат узоқ суҳбатдан сўнг тур яримдан оққанда, Мухитдин ёрилди:

— Ошна, пул топиш учун бирон нима қилишимиз керак...

Орага бироз жимлик чўқди. Шериклар энди ваҳший ишга учини шахсини ҳам жалб этиш устида бош қотира бошлашди. Пешингача мизгил олгач, кунтиқкага келганда, тунда ўйлаб қўйган режаларини амалга ошириш мақсадида қотиллар Пактабод тумани томон йўл олиш-

ди. Туман марказида қош қорайишини қуттишган, тунги келишувга қўра, ҳайдовчисининг юзи улардан бирига ўшган "Тико" машинасини топиш учун "стойанка"ни узоқ айланишди. Ўтган сафарги "иш"дан "керакли хулосалар" чиқаришгани боис, ҳайдовчининг ҳужжатларидаги расми бирорталарига озгина бўлса ҳам ўшаса, шубҳа-гумонлар пайдо бўлмастлигини тушуниб етишган эди. Бироздан сўнг яшил рангли "Тико"га қўзлари тушиб, ҳайдовчига "Хонободга бориб, асал олиб келамиз", деган баҳонани ишлатишди. Йўл-йўлаккай Кўргонтепадан Мурозимнинг қўлини — Мамирни "Асал юклашга ёрдам берасиз. Шу баҳона пул ҳам ишлаб оласиз", — дея шерик сифатида ўзлари билан олиб кетишди.

Кўргонтепанинг атрофи даладан иборат Деҳқонхон маҳалласи ўраминида ҳайдовчига тўхташ кераклиги буюрилди. Юк ортилган автомобил шу ерга келишини айтиб, бирин-кетин машинадан тушибди. Анна ўтиргандан сўнг Мамир ҳам автомобилдан тушиб, шерикларнинг ортидан борди. Шунда унга даҳшатли, аммо пухта ишланган режа ҳақида айтилди. Мамир бироз ўйланди-да, сотилган машинанинг пуллари ўртада тақсимланишини тасаввур қилиб, розилиқ берди.

Вазифалар тақсимлангач, машинага қайтишди. Мухитдин ҳайдовчининг ортидаги ўриндиққа ўтириб, Мурозим берган интичка, аммо мустаҳкам ип билан уни бўғиши керак эди. Бу вақтда олд ўриндиқда ўтирган Мамир унинг оёқларини ушлаш, орқа ўриндиқдаги Мурозим эса қўлларини босиб туриши лозим эди. Бироқ Мухитдин ташлаган ип ҳайдовчининг пешонасига тақалди ва қўли тортишдан узилиб кетди. Воқеаларнинг қутилмаган ривожига Мамир билан Мурозимни саросимага солди. Ҳайдовчи қия очик эшикдан пастга беҳол тарзда қулаётди, "Сенларга қалит керак бўлса, ол", дея нидо қилди. Мамир тезда ўзини ўнглаб, машинадан тушиб, ва ҳайдовчи қочиб кетмаслиги учун уни ушлаб турди. Мухитдин билан Мурозим ҳам зумда етиб келишди. Ҳайдовчининг оёқларини босиб турган Мамир бир қўли билан автомобил салоинидаги сочиники шерикларига узатди. Улар сочиники ҳайдовчининг бўйнидан ўтказиб, икки тарафга тарта бошлашди. Ҳайдовчи жон таслим қилгач, Мухитдин рулга, Мурозим унинг ёнига ўтирди. Жасадни орқа ўриндиқда Мамир ушлаб қаталган бўлди. Бироз юрилганидан сўнг, юраги така-пука бўлаётган Мамир уйи яқинида тушиб қолишини айтиб, юзлари оқарган ҳолда маҳалласи томон гандирақлаб кетиб юборди. "Қўлни кўрган" қотиллар эса айланма йўллар билан бугдой экилган экинзорга қичиб, жасадни унинг ички қисмига ташлаб қайтишди.

Машинани сотиш учун икковлон Асакага йўл олишди. Танишларига учраб, уни пачоқлаб ёки бутун ҳолича ўтказишнинг режалаштиришди-ю, бироқ унисини ҳам, буниси ҳам бўлмади. Оқибатда "Тико"ни овлоқ қўчаларнинг бирига ташлаб кетишга тўғри келди. Муваффақиятсиз яқунланган ишдан сўнг уловдон қайта қўришмади. Аммо чаённинг касби — чақиш, деганларидек, Мухитдиннинг миёяси муҳтисл ишлар билан тўла эди.

Муроджон БОЛТАБОВЕВ,
Андижон вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи

Қишнинг охириги ойи эди. Тошкентдан қайтаётган Мухитдиннинг кўнгли бу сафар "Нексия" автомашинасига тушди. Йўловчилар манзилларида тушибгач, ҳайдовчи билан ёлғиз қолишни ният қилган қотил унга "Мени Бўзга ташлаб қўйинг", деб илтимос қилди. Автомобил тумандаги Навоий ширкат ҳўжамидан оқиб ўтувчи зовур кўпригининг ёнида тўхтагач, Мухитдин ишга киришди:

— Машинангиз менга ёқиб қолди, — деди у. — Уни менга бериб кетасиз.

— Қанақасига? Ҳазиллашяпсанми? — дея эътироз билдирди "Нексия" эгаси.

Даҳанакчи жанг бошланди. Бир маҳал ҳайдовчининг юраги ёмонлашиб қолди-ю, у Мухитдиндан сув олиб келишни илтимос қилди. Мухитдин беихтиёр пластик идишда сув олиш учун зовурга қочиб кетди. Қайтиб келганида, ҳайдовчи қўзлари юмқ, беҳуш ҳолда бошини бир томонга оғдириб, ўриндиқда ётар эди. Қўлидаги сувга ботиб, ўзидан ажабланди. "Тайёр ўлжа олдингизда турса-ю, унинг ҳаётини сақлаб қолишга уриндингизми?" деб ўйлаб, қиёна билан қулиб қўйди. Ҳайдовчинини машинадан тушириб, ўлганига тўлиқ ишонч ҳосил қилиш учун бўғишга тушди. Нафас олмаётганига ишонч ҳосил қилганга, жасадни зовурга итариб юборди. Ўзи эса машинага ўтирди.

Айланма йўллар орқали Наманган вилоятига келган Мухитдин машина бозорини сўраб-суриштириб, аранг топди. Бозорчага оз вақт қолганида автомобилни тозалаб, ундаги ҳужжатларни обдан ўрганиб чиқди. Соат 9:00 да ота-боба харидор "Нексия"ни айланиб, уни кўздан кечира бошлашди. Машинанинг ҳужжатларини кўришди. Мухитдиндан олд қапотни очилиши сўрашганида, у буни уддалай олмай, турли баҳоналарни ишлатди. Афсуски, бу ҳол уларни сергак тортирмади. Автомобилнинг нархи соғлом фикрни чағлитиш даражасида бўлгани учун ҳам улар қотил билан уйга равона бўлишди. У ерда Мухитдиннинг қўлига 370 АҚШ долларини тўқзаиб, тилхат олишди. Тилхатга Мухитдин машина эгасининг исмини тушириб, имзо чекиди ва пулни қисқасига ўриб, жўнаб қолди.

Буюқнинг юрганига сомонхонагача, деб бекорга айтишмаган. Жиноий шериклар ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан қўлга олиниб, айбдорлар суд қўрсисига ўтказилди. Қотиллик қилиш, жиноят ишларини соғуқ-қонлик билан яширишдек оғир қилмишлардан тап тортаман Мухитдин Низоумутдинов, Мурозим Раимов ва Мамир Ҳасановлар тергов давомида ўзларининг асл башарасини кўрсатишди.

Ҳар қандай жиноятга жазо муқаррар. Мўмай даромад топиш илинжиде қўча ораларига ҳамда уч оилани буюқвечисидан айирган М.Низоумутдинов Жиноят кодексининг бир неча моддалари билан айбли, деб топилди ва унга 20 йилга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. М.Раимов умрининг 19 йили, М.Ҳасанов эса 17 йили жазони икром этиш муассасаларида ўтказадиган бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан ўтказиладиган оммавий оферта савдоларига таклиф этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПК-1743-сонли қарорига, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 31 майдаги 154-сонли қарорига асосан сотилиши белгиланган давлат активлари, "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 21 июлдаги 145-сонли қарори билан тасдиқланган Низом ва 2009 йил 29 январдаги 27-сонли қарорининг 2-моддаси билан тасдиқланган Низомларига мувофиқ оммавий оферта савдосига чиқаришмоқда.

Сотиш таклиф қилинаётган давлат активининг номи, сони, тасвифи ва давлат активи жойлашган жойи:

1. Мирзачўл туман ҳокимлигига қарашли қурилиш тугалланмаган 4 та коттедж бинолари:

Баландса сакловчининг номи ва манзили: Мирзачўл туман ҳокимлиги. Мирзачўл тумани, Гагарин шаҳри.
— объектнинг бошланғич баҳоси 73 524 000 (етмиш уч миллион беш юз йигирма тўрт минг) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
— умумий ер майдони -1200,0 кв.м.
— бино қурилиш ости майдони -148,78 кв.м.

2. "Навий кон металлургия комбинати" ДК Жанубий кон бошқармасига қарашли қурилиш тугалланмаган савдо дўкони биноси:

Баландса сакловчининг номи ва манзили: "Навий кон металлургия комбинати" ДК Жанубий кон бошқармаси. Галларол тумани, Маржонбулоқ шаҳар фуқаролар йиғини.

— объектнинг бошланғич баҳоси 78 947 400 (етмиш саккиз миллион тўққиз юз қирқ етти минг тўрт юз) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини ва 25 (йигирма беш) миллион сўмдан кам бўлмаган миқдорда қўшимча инвестиция киритиш таклиф этиш;
— умумий ер майдони 918,0 кв.м.
— бино қурилиш ости майдони 449,88 кв.м.

3. "Навий кон металлургия комбинати" ДК Жанубий кон бошқармасига қарашли қурилиш тугалланмаган 100 ўринли ошхона ва 50 ўринли чойхона биноси:

Баландса сакловчининг номи ва манзили: "Навий кон металлургия комбинати" ДК Жанубий кон бошқармаси. Галларол тумани, Маржонбулоқ шаҳар фуқаролар йиғини.

— объектнинг бошланғич баҳоси 109 372 000 (бир юз тўққиз миллион уч юз етмиш икки минг) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини ва 25 (йигирма беш) миллион сўмдан кам бўлмаган миқдорда

қўшимча инвестиция киритиш таклиф этиш;

— умумий ер майдони -3566,0 кв.м.
— бино қурилиш ости майдони -646,38 кв.м.

4. Галларол туман ҳокимлигига қарашли маъмурий биноси:

Баландса сакловчининг номи ва манзили: Галларол туман ҳокимлиги, Галларол тумани, Галларол шаҳри, Мустақиллик кўчаси.

— объектнинг бошланғич баҳоси 47 149 000 (қирқ етти миллион бир юз қирқ тўққиз минг) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;

— умумий ер майдони -8260,0 кв.м.
— бино қурилиш ости майдони -170,71 кв.м.

5. Жиззах вилоят қишлоқ ва сув ҳўжаллиги бошқармасига қарашли ёрдамчи биноси:

Баландса сакловчининг номи ва манзили: Жиззах шаҳри, Сайилжойи маҳалласи, Ш.Рашидов кўчаси.

— объектнинг бошланғич баҳоси 59 109 537 (элик тўққиз миллион бир юз тўққиз минг беш юз ўттиз етти минг) сўм миқдорда тасдиқланган ва унда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шарти билан 12,5 (ўн икки миллион беш юз минг) сўмдан кам бўлмаган миқдорда инвестиция киритиш мажбуриятини олиш шарти билан сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;

— умумий ер майдони 754,0 кв.м.
— бино қурилиш ости майдони 277,76 кв.м.

6. Дўстлик тумани ҳокимлигига қарашли соёбқ 6-сон болалар богчаси биноси:

Баландса сакловчининг номи ва манзили: Дўстлик туман ҳокимлиги, Дўстлик тумани, Дўстлик шаҳри.

— объектнинг бошланғич баҳоси 39 780 000 (ўттиз тўққиз миллион етти юз саксон минг) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
— умумий ер майдони 1420,0 кв.м.
— бино қурилиш ости майдони 263,34 кв.м.

7. Жиззах тумани Равот ҚФЙ, Уқизлар МФЙда қурилган соёбқ Уқизлар алоқа бўлими биноси:

Баландса сакловчининг номи ва манзили: "Узенефтагазолақ" ИЧТАБ УШК, Жиззах тумани Равот ҚФЙ.

— объектнинг бошланғич баҳоси 92 767 200 (тўқсон икки миллион етти юз олти миш етти минг икки юз) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;

— умумий ер майдони 6400,0 кв.м.
— бино қурилиш ости майдони 625,7 кв.м.

8. Зарбдор тумани, Бўстон шаҳарчаси

жойлашган "Ховос-Зомин" ирригация тизими бошқармасига қарашли эски дора биноси:

— Баландса сакловчининг номи ва манзили: "Ховос-Зомин" ирригация тизими бошқармаси. Зарбдор тумани, Бўстон шаҳарчаси.

— объектнинг бошланғич баҳоси 113 754 900 (бир юз ўн уч миллион етти юз элик тўрт минг тўққиз юз) сўм, объектни қайта таъмирлаш, ундан аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шарти билан 5 (беш) миллион сўмдан кам бўлмаган миқдорда қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини таклиф этиш;

— умумий ер майдони — 5346,7 кв.м.
— бино ва иншоотларнинг эгаллаган ер майдони 504,0 кв.м.

9. Зомин қишлоқ ҳўжаллиги ва маиший хизмат касб-ҳўнар коллежига қарашли дам олиш маскани:

Баландса сакловчининг номи ва манзили: Зомин қишлоқ ҳўжаллиги ва маиший хизмат касб-ҳўнар коллежи. Зомин тумани, Галларол ҚФЙ, Хулар қишлоғи.

— объектнинг бошланғич баҳоси 69 016 000 (олтмиш тўққиз миллион ўн олти минг) сўм миқдорда тасдиқланб, объектни қайта таъмирлаш, ундан дам олиш маскани сифатида фойдаланиш шарти билан 15 (ўн беш) миллион сўмдан кам бўлмаган миқдорда инвестиция киритиш мажбуриятини таклиф этиш;

— умумий ер майдони 3670,50 кв.м.
— бино қурилиш ости майдони 608,03 кв.м.

10. Зомин тумани, Зомин шаҳарчаси, С.Раҳимов МФЙ, Р.Алимов кўчасида жойлашган 9-сон "Дўстлик" номи болалар богчаси биноси:

Баландса сакловчининг номи ва манзили: Зомин туман ҳўжаллиги бўлими, Зомин шаҳарчаси Мустақиллик кўчаси 78-ўй.

Ўтказиладиган музокараларнинг асосий шартлари:

— объектнинг бошланғич баҳоси 279 693 000 (икки юз етмиш тўққиз миллион олти юз тўқсон уч минг) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини ва унинг фаолиятини болалар богчаси сифатида ишлаштириш учун 7,5 (етти ярим) миллион сўмдан кам бўлмаган миқдорда қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини таклиф этиш;

— умумий ер майдони 5985 кв.м.
— бино ва иншоотларнинг эгаллаган ер майдони 1570,08 кв.м.

11. Галларол тумани ҳокимлигига қарашли Галларол тумани, Маржонбулоқ ШФЙ, Геололар маҳалласида жойлашган оморхона биноси:

Баландса сакловчининг номи ва манзили: Галларол тумани ҳокимлиги, Гал-

ларол шаҳри Мустақиллик кўчаси 49-ўй.

— объектнинг бошланғич баҳоси 37 462 700 (ўттиз етти миллион тўрт юз олти икки минг етти юз) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
— умумий ер майдони -1957 кв.м.
— бино қурилиш ости майдони 785,05 кв.м.

Сотувчи: Давлат рақобат қўмитаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси.

Сотувчининг манзили: 130100, Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси 63-ўй.

Алоқа телефонлар: (8 372) 226-25-04, 226-39-31. факс: 226-57-85

Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш санаси, вақти ва жойи: музокаралар (оммавий оферта) Давлат рақобат қўмитаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси (манзили: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси 63-ўй)да 2013 йил 24 октябр 10:00да бўлиб ўтади.

Тўғридан-тўғри музокараларда қатнашиш учун талабдор ёки унинг вакили эълонда белгиланган муддатларда шахсан ўзи ёки почта орқали қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда бюртманомани икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— Сотувчининг банк ҳисоб рақамига савдога қўйилган давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизи миқдорда закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси;

— икки нусхадаги ёпиштирилган конвертларга солинган ва қўйидагиларни ўз ичига оладиган талабдор тақлифлари;

Сотиб олиш тўловларининг тақлиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати;

— инвестиция мажбуриятларининг тақлиф этилаётган суммаси, уларни тўлаш шакли, муддати ва шартлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабдорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Маъзур давлат активларини савдога қўйилиши юзасидан аввалти берилган эълонлар бекор деб ҳисобланади.

Хизматлар лицензияланган

"KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб борадиган тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПК-1743-сонли қарорига ва Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 25 сентябрдаги 145/ч-сонли буйруғига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 7 февралдаги 33-сонли қарорига асосан, Фанлар академиясига қарашли Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Баҳор кўчаси, 28-ўйда жойлашган, бошланғич баҳоси — 5 055 860 500 сўм бўлган (кейинги ўринларда "Объект" деб юритилади) Чирчиқ тажриба экспериментал "Колемзит" заводининг маъмурий бино ва иншоотлари, энерга ва шиаб чиқариш корпуси очик аукцион (қим ошди) савдоларига қўйилмоқда.

"Объект"нинг очик аукцион савдоси орқали сотишнинг асосий шартлари:

— энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
— сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Баландса сакловчининг номи: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси.

Фаолият-иштирослиги: Илимий тадқиқот.

Қурилган йил: 1984 йил

— ер участкасининг умумий майдони — 2,85 га.
— бино ва иншоотнинг қурилиш ости майдони — 9 242,02 кв.м.

— "Объект" 4 та асосий бинолардан ва 8 та ёрдамчи иншоотлардан ташкил топган. Бинолар бетон конструкциялардан иборат.

— Бинода сув, газ ва электр тармоғи мавжуд.

Талабдорлар "Объект" бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган, яъни 758 379 075 сўм миқдордаги закалат пулини бюртманомалар қабул қилинадиган охириг кунга

гача ОАИТВ "Ипак йўли" Сағбон ф-лидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

II. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 31 майдаги ВМ-154-сонли қарори ва Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 25 сентябрдаги 146 и/ч-сонли буйруғига асосан, Ўртачирчиқ туман ҳокимлисига қарашли, Ўртачирчиқ тумани, "Қўмоғул" (Бектемир) Қ.Ф.Й., Янгибод маҳалласи ҳудудига жойлашган, бошланғич баҳоси — 482 122 000 сўм бўлган (кейинги ўринларда "Объект" деб юритилади) "27-сонли болалар богчаси" бино ва иншоотлари очик аукцион (қим-ошди) савдоларига қўйилмоқда.

— Объектнинг очик аукцион савдоси орқали сотишнинг асосий шартлари:

— энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
— сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Баландса сакловчининг номи: Ўртачирчиқ тумани ҳокимлиги.

Фаолият-иштирослиги: Маъмурий бошқарув.

Қурилган йил: 1988 йил

— ер участкасининг умумий майдони — 0,8191 га.
— бино ва иншоотнинг қурилиш ости майдони — 1 862,73 кв.м.

— Болалар богчаси биносининг фундаменти бетон, деворлари гипсланган, эшик деразалари тахтадан.

— Бинода сув, газ ва электр тармоғи мавжуд.

Талабдорлар "Объект" бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган, яъни 72 318 300 сўм миқдордаги закалат пулини бюртманомалар қабул қилинадиган охириг кунга

ча ОАИТВ "Ипак йўли" Сағбон ф-лидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Юқорида қайд этилган "Объект"ларнинг савдолари 2013 йил 11 ноябрь куни соат 11:00да бўлиб ўтади. Бюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади (13:00дан 14:00гача тушлик). Бюртманомаларни қабул қилишнинг охириг муддати: 2013 йил 8 ноябрь куни соат 18:00.

Юқоридаги "Объект"лар 2013 йил 11 ноябрь куни сотилмаган тақдирда, такорорий савдолар 2013 йил 25 ноябрь, 9 декабрь, 23 декабрь кунлари соат 11:00да бўлиб ўтади. Такорорий савдолар учун бюртманомаларни қабул қилишнинг охириг муддати 2013 йил 25 ноябрдаги савдо учун 22 ноябрь куни соат 18:00; 9 декабрдаги савдо учун 6 декабрь куни соат 18:00; 23 декабрдаги савдо учун 20 декабрь куни соат 18:00.

Савдо натижаларига кўра қолиб қиққан иштирокчи 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Тўланган закалат "Объект"лар сотилиш баҳосининг 15 фоизидан камми ташкил этса, савдо қоллиб объектнинг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчи ёки савдо ташкилотчилисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммани тўлаш шарт.

Бюртманомалар қабул қилинадиган ва аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамш кўчаси, 1А-ўй. Тел/факс (8-371) 228-79-52. www.1kms.uz. rielsavdo@inbox.uz. Лицензия RR-0001.

Хизматлар лицензияланган

"MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI" ОАЖ БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

2013 йил 4 ноябрда "Тошкент" РФБ биржа савдоларига чиқариладиган давлат акция пакетлари рўйхати

№	Эмитент номи	Устав фондидаги улуш, %	Савдога чиқарилаётган акциялар сони, дона	1 дона акциянинг номинал қиймати, сўм	1 дона акциянинг таклиф этилаётган бошланғич нархи, сўм	Акциялар пакетининг бошланғич нархи, сўм
1	«Elektrqishloqqurilish» ОАЖ	0,442	721	4000,0	317 716,09	229 073 300,89

Қўшимча маълумотлар учун "MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI" ОАЖга мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси 10-ўй

Телефонлар: 232-10-45, 236-77-92

E-mail: info@ndvakt.uz, www.gki.uz

Хизматлар лицензияланган



Эҳтиром

Камтаринлиги ва касбига содиқлиги билан халқ назарига тушган инсон, прокуратура фахрийси Нургали Мингбаев бугун табаррук 75 ёшни қаршаламоқда.

У умрининг 40 йилдан ортиқ даврини эл-юрт тинч-лиги ҳамда осиёшталигини таъминлаш, фуқаролар ма-нафатларини ҳимоя қилишга баҳимда этиб, меҳнат фао-лияти давомида Сирдарё вилояти Боев туман прокуро-рининг ёрдамчиси, туман прокуратурасининг терговчиси, вилоят судининг аъзosi, Тошкент шаҳар судининг аъзosi, Гулистон шаҳар судининг раиси, вилоят су-ди раисининг ўринбосари, Жиззах вилояти Дўстлик туман ҳамда Жиззах шаҳар про-курори, Тошкент вилоят прокуратурасида бўлим прокурори ҳамда Тошкент ша-ҳар Бектемир туман прокурорининг ёрдамчиси лавозимларида самарали хизмат қилиб, шаърафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Нурғали Минғобоев қайси давримизда ишлаганидан қатъи назар, ҳаминша билимдон ва тажрибали ҳуқуқшунос, самимий инсон сифатида жамоатчилик орасида эътибор қозонди. Ишлаган даврида меҳнатсеварлиги, изланувчанлиги, кўп йиллик амалий иш тажрибаси, теран билими билан ҳамкасблари ҳурматиغا сазовор бўлди.

Нургали Мингбоевнинг кўп йиллик меҳнатлари прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, бир неча маротаба рағбатлантирилди.

Бугунги кунда у мунаввар кунлар шукронасида, фарзандлар ва неваралар даврасида табаррук айёмни қаршиламокда.

Хурматли Нургали Жакипович, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга сиҳат-саломатлик, оилангизга фойз-барака, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик тилаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни
ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси ҳаммуассислигида чоп этиб келинаётган "Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари" журналининг 3-сони нашрдан чиқди.

Журналнинг янги сони

Журналнинг "Ўзбекистон мустақиллигининг 22 йилги" рўқни остида чоп этилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Улуғбек Мухаммадиевнинг "Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш — парламент фаолиятининг устувор йўналиши сифатида" номли мақоласи ўқувчи эътиборини тортди. Унда мустақиллик йилларида Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонунлар ва уларнинг аҳамияти, хусусан, "Оилавий тадбиркорликни тўғрисида"ги Қонун иқтисодийётнинг турли соҳаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг муҳим шакли бўлган оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг норматив

хуқуқий базасини яратганилиги таъкидланади. ННТ ва бошқа фуқаролик институтлари ролини кучайтириш, уларни мамлакатимизни демократлаштириш ва модернизация қилиш жараёнларига фаол жалб этиш борасида Қўнғилич палатаси қўмиталари томонидан қўйилган савъ-ҳаракатлар ҳақида ҳам фикр юритилади. "Давлат бошқаруви" руқни остида Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси талқидотчиси А.Ташанов "Бошқарувни демократлаштиришга раҳбар компетентлигининг урни" номли мақоласида замонавий давлат-га фақатгина иттиҳоткор икжрон-лар эмас, балки ижроня ҳоки-миятининг юқори ва ўрта бўйун-ларидаги ташаббускор, ижод-кор, масъулияти етакчилар за-рурлигини айтиб ўтади.

"Халқаро ҳуқуқ" руқни остида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети "Халқаро муносабатлар" мутахассислиги магистранти Ш.Туреубоевнинг "Трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланишнинг халқаро ҳуқуқий асослари" мақолисида сув танқислиги натижасида юзага келган ноқулай гигиеник шарт-шароитлар тубайи ҳар кунги дунёда 6 мингта яқин инсон дунёдан кўз юмаётгани ва мазкур муаммога қарши дунё ҳамжамиятининг қўраётган чора-тадбирлари ҳақида фикр юютилди.

Булардан ташқари, журналнинг "Ўзбекистон ва жаҳон", "Анжуманлар, талбирлар, тақдиротлар" рукни остида бир қанча мазмунли мақолалар chop этилган бўлиб, улар журналхонни эътиборсиз қолдирмайдди. деб ўйлаймиз.

[illegible]

Хурматли тадбиркорлар!
«Асака» банк (ОАЖ)



«Export Import Bank of Korea» (Корея) ва «Commerzbank AG» (Германия) кредит линиялари иштирокида тадбиркорлик субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш бўйича аризалар қабул қилинаётганлигини маълум қилади. Кредитларни расмийлаштиришнинг асосий шартлари:

Лойиҳалар	Саноат ёки кишлоқ ҳўжалиги соҳасида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш; амалдаги ишлаб чиқаришларни кенгайтириш ва/ёки реконструкция қилиш бўйича лойиҳа
Қарздор	«Export Import Bank of Korea» (Корея) кредит линияси бўйича “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий ҳудудида корея капитали иштирокида фаолият юритаётган компаниялар; “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий ҳудудида корея капитали иштирокида фаолият юритаётган компанияларга товарлар етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган ёки корея капитали иштирокида фаолият юритаётган компаниялардан товарлар олаётган ва хизматларидан фойдаланаётган корея капитали иштирок этмаган компаниялар. «Commerzbank AG» (Германия) кредит линияси бўйича Ўзбекистон резиденти — хусусий кичик корхона, қўшма корхоналар, акциядорлик жамиятлари.
Кредитлардан мақсадли фойдаланиш	«Export Import Bank of Korea» (Корея) кредит линияси бўйича Корея капитали иштирокидаги компаниялар учун: - ускуналар харид қилиш ва ўрнатиш; - стратегик инвестициялар. Корея капитали иштирок этмаган компаниялар учун: - ускуналар сотиш ва хизматлар кўрсатиш; - ускуналар харид қилиш ва хизматлардан фойдаланиш. «Commerzbank AG» (Германия) кредит линияси бўйича Импорт ускуналари ва технологиялари харидини молиялаштириш, шунингдек, ишчи капиталини шакллантириш харажатларини қоплаш.

Маълумот учун телефонлар: 8 (371) 120-39-04, 120-39-56, 120-39-58
“Асака” банк – тадбиркорлик тараққиётининг мустахкам таянчи!

Хизматлар лицензияланган

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:

Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:

Hakimboy HALIMOV	Baxtiyor NAZAROV
Abbosxon SANGINOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muxtor ZOIROV	Kamoliddin ASQAROV
Gulnoza RAHIMOVA	(mas'ul kotib v.b.)

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi. 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
Fax: 233-10-53

Faks: 233-10-53,
233 64 85

233-64-85
E-mail:
huang@huang.3306317

huquq@huquq-gazeta.uz
Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelinibolgan narsada

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

«HUQUD» materiallarini ko' chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

① — tijorat materiali.

Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma j-8190.46 767 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va
sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: G.HOJIBOEVA
Musahhihi: M.QAMBAROV
Navbatchi: O'.DEHQONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston
Respublikasi matbuot
va axborot agentligida
2009-yil 12-oktabrda
0188-raqam bilan
ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617



772010 761004